

Р. ШОНАЗАРОВ

„МУҚАДДАС“ ЛАШТИРИЛГАН
ЎСИМЛИКЛАР
ВА ФАН

ЎЗБЕКИСТОН ССР «ФАН» НАШРИЕТИ
ТОШКЕНТ—1977

Шоназаров Р. «Муқаддас»лаштирилган ўсимликлар
ва фан. Тошкент, ЎзССР «Фан» нашриёти, 1977, расм—4,
60 бет.

Ушбу рисолада «муқаддас»лаштирилган ўсимликлар билан
боғлиқ бўлган турли диний урф-одатлар фош этилиб, улардан
Ўзбекистон халқ хўжалигида фойдаланиш йўллари илмий
асосда таҳлил этилади.

Рисола кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Бизга маълумки, партия кишиларни коммунистик руҳда тарбиялар экан, аҳолининг барча қатламларида илмий материалистик дунёқарашни шакллантирмай, уларнинг онги ва ҳаётидаги ўтмиш сарқитларга барҳам бермай туриб социал ҳаётда катта муваффақиятларни қўлга киритиш мумкин эмаслигини доимо таъкидлаб келмоқда.

Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейинги 60 йил ичида мамлакатимизда амалга оширилган социал сиёсий, иқтисодий ўзгаришлар, халқ оммасини моддий ва маънавий турмуш фаровонлигининг тинмай ўсиб бориши, фан ва техниканинг оламшумул ютуқлари таъсири остида кишиларнинг онгида дин ва диний сарқитларга муносабатида чуқур ўзгаришлар юз берди.

Хўш, дин нима? Марксизм-ленинизм дин воқеликнинг инсон онгидаги фантастик, бузилган ҳолда акс этишидир, деб таълим беради. Ижтимоий онгининг бошқа ҳар қандай формаси каби дин ҳам одамларнинг муайян борлигини, тараққиётнинг бирор босқичидаги ҳаётни акс эттиради.

Маълумки, кишилик жамиятининг баъзи даврларида дин бўлган эмас. У инсоният тараққиётининг нисбатан юқори босқичида бундан 70—100 минг йиллар илгари пайдо бўлган. Доҳимиз Ленин дин ҳақида шундай деб ёзган эди, — «Дин ҳар ерда ва ҳамма жойда умр бўйи бошқаларга ишлаб, муҳтожлик ва ғарибликда яшаб келган халқ оммасини эзадиган руҳий зулм шаклларида биридир... Дин — халқ учун афюндир»¹. У кишиларни ожиз, ҳеч нарсага кучи етмайдиган, табиатнинг оддий қу-

¹ В. И. Л е н и н. Асарлар, 10-том, 75—76-бетлар.

лига айлантириб қўяди. Дин инсон кўз ўнгида юз берадиган турли-туман табиат ва ижтимоий ҳодисаларнинг (қурғоқчилик, дарёларда сувларнинг қўпайиб кетиши, ўсимлик ва ҳайвонларнинг касалланиши, зилзила, ҳархил касалликларнинг кенг ва тез тарқалиши, ўлим, қайғу, хурсандчилик, бахт ёки бахтсизлик, боласизлик, болаларнинг чала туғилиши ёки ортиқ, камтиклар билан туғилиши ва бошқалар) сабабларини ҳам, улардан қутулиш ёки бартараф этишнинг воситаларини ҳам ғайри-табиий — худо, шайтон, руҳ, пари, жин, ажина кабиларга боғлаб тушунтиради.

Дин ҳаётнинг мазмунини ҳам бузиб кўрсатиб, уни тўғри тушуниб олишга йўл қўймайди. Бошқа динлар каби Ислом дини ҳам ҳаётнинг моҳияти худо ва иайгамбарларнинг барча буйруқларини сўзсиз бажариб, турли диний ақида ва маросимларни ўташдан иборат қилиб қўяди. Дин кишилар бундай «савоб ишлар билан» жаннатга тушиш учун ўзларига замин тайёрлашларини керак, — деб таълим беради.

Дин синфий характерга эга бўлганлиги сабабли, доимо ҳукмрон синфлар манфаати учун хизмат қилиб келди. Унинг келиб чиқиши синфларнинг келиб чиқиши билан бевосита боғлиқдир. Социализмгача бўлган барча ижтимоий формацияларда дин ҳукмрон синфларнинг тобе синфлар устидан эзувчи, бўйсундирувчи қуроли сифатида хизмат қилиб келди.

Дунёда биринчи бўлиб, бизнинг мамлакатимизда дин кишилар устидан ҳукмронлик қилиш ҳуқуқидан абадий маҳрум бўлди. Дин социализм даврида ўз таъсирини йўқотди, энди унга қарши курашмаса ҳам бўлади, у ўз-ўзидан йўқолиб кетади, деб тушуниш нотўғридир. Чунки социалистик жамият меҳнаткашларда илмий дунёқарашни шакллантиришнинг ҳамда коммунистик жамиятда яшовчи янги кишини — илмий дунёқарашга эга бўлган, ўзида маънавий бойлик, ахлоқий поклик ва жисмоний камолотини мужассамлаштирган кишини тарбиялашнинг муҳим томонини ҳисоблаган илмий-атеистик тарбияга таянади.

«Илмий-атеистик пропаганда, — дейилади КПСС Программасида, — дунёнинг манзарасини тобора тўла-роқ очиб бераётган, инсоннинг табиат устидан ҳукмронлигини кучайтираётган ва диннинг ғайри-табиий кучлар тўғрисидаги афсонавий уйдирмаларга ўрин қолдирмай-

диган ҳозирги замон фанининг ютуқларига суяниш лозим»².

КПСС XXV съезди белгилаб берганидек, кенг меҳнаткашлар оммасида ва келажакимиз эгалари бўлган ёш авлодда коммунистик дунёқарашни шакллантириш, уларни марксизм-ленинизм ғоялари руҳида тарбиялаш партиянинг бутун ғоявий-тарбиявий ишининг негизидир.

Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитети номидан партия XXV съездига қилган ҳисобот докладада уқтириб айтганидек, одамларнинг маданияти, билим даражаси, ижтимоий онглилиги ҳамда ички етуклиги юксак даражага кўтарилмай туриб, коммунизм бўлиши мумкин эмас.

Маълумки, аҳолининг бир қисми орасида диний хурофотлар ва кайфиятлар ўтмишнинг энг яшовчан сарқитларидан биридир. Бу сарқитлар эса, социалистик ҳаёт таъсири остида, меҳнаткашларнинг маданияти, маълумоти, онглилиги, маънавий етуклиги ўсиши туфайли аста-секин бартараф этилади. Шу билан бирга бу хурофотларга қарши курашда кунт билан, бир аниқ мақсадни кўзлаб олиб бориладиган атеистик тарбия актив роль ўйнамоғи лозим.

«Ўлиб кетган барча авлодларнинг анъаналари, — деб ёзган эди К. Маркс, — барҳаёт кишилар ақлини даҳшатга солиб чулғаб олади, уларнинг фикр туйғуларини, дунёқарашларини эскириб қолган намуналари асосида шакллантиради»³.

Инсонга қарши қўйилган бу диний анъаналар ва сарқитлар деярли ҳалок бўлган бўлса ҳам, лекин унинг яшовчан айрим микроблари халқимиз орасидаги баъзи қолоқ кишиларнинг онгини заҳарлашда давом этмоқда. Диннинг яшовчан микроблари ёшларни ўз гирдобига тортиш, занжирбанд қилиш учун унинг заиф томонларини излаб, атеистик тарбиямиз етиб бормайдиган жойга ин қўяди. В. И. Ленин таъбири билан айтганда, қарерда социалистик идеологиянинг таъсири сусайиб кетса, ўша ерда буржуа идеологиясининг таъсири кучайиб кетади. Шундай экан, илмий-атеистик тарбия мамлака-

² КПСС XXII съезди материаллари, Тошкент, 1961, 453—454-бетлар.

³ К. Маркс ва Ф. Энгельс. Танланган асарлар, Тошкент, 1959, I-том, 225-бет.

тимизда ҳамма диний сарқитлар ва адашишлар тугатилганга қадар давом эттирилиши керак ва давом эттирилади. Ш. Р. Рашидов Ўзбекистон Компартияси XIX съездида қилган ҳисобот докладида уқтириб ўтганидек, «...кейинги йилларда республикада атеистик тарбия кучайтирилди. Лекин аҳолининг маълум қисми дин таъсиридан ҳали ҳам қутилмаганлигидан, диний урф-одатларни ҳануз бажо келтираётганлигидан кўз юмиб бўлмайди. Атеистик пропаганданинг таъсирчанлигини кучайтириш, социалистик турмуш тарзини барқарор этишнинг муҳим воситалари бўлган прогрессив одатларни ва расм-русумларни жорий қилишга кўпроқ эътибор бериш зарур»⁴.

В. И. Ленин илмий-атеистик тарбияга ижодий ёндашишни, динни танқид қилишга оддий кишилар ва хотин-қизларнинг ўзларини жалб қилишни, бу ишни мунтазам равишда олиб бориб, диндорларнинг қалбига тўғри йўл топа билишни уқтирган эди. «Оммага атеистик пропагандага оид ҳар хил материал бериш, — дейди В. И. Ленин — уни тушунишнинг турли соҳаларидан олинган фактлар билан таништириш, унга гоҳ ундай, гоҳ бундай муомала қилиб, уни қизиқтириш, диний уйқудан уйғотиш, турли-туман йўллар, турли-туман усуллар билан қизиқтириш ва бошқа шу сингари чоралар кўриш керак»⁵.

Совет ҳокимияти йилларида диннинг барча кирди-корларининг ички моҳиятини омма ўртасида очиб ташлаш, табиат ва жамиятда содир бўладиган сирли, мўъжизали кўринишларни илмий материалистик асосда тушунтириш борасида кўп ишлар қилинди. Лекин шунга қарамай, ўтмишнинг айрим зарарли диний сарқитлари баъзи қолоқ кишилар онгида сақланиб қолмоқдаки, бу нарсa шубҳасиз ёшларнинг онгини чалғитишга, айрим ҳолларда эса, уларнинг маънавий заҳарланишига олиб келмоқда.

Айниқса қишлоқ аҳолиси орасида ислом дини сарқитлари билан биргаликда, ибтидоий диннинг анимизм, фетишизм, сеҳргарлик каби шакллари билан боғлиқ бўлган диний эътиқодларнинг сарқитлари ҳали ҳам сақ-

⁴ «Ўқитувчилар газетаси», 1976 йил 5 февраль.

⁵ В. И. Л е н и н. Асарлар, 33-том, 232-бет.

ланиб келмоқда. Булар арвоҳ кутиш, худойи қилиш, кинна солдириш, тумор тақиш, фол очирш, турли булоқлар, ҳайвонлар, ўсимликлар, тошлар, ғорларга сиғиниш, чироқ қўйиш, «муқаддас» ва «қадамжо» жойларга сиғиниш ва у ердаги ўсимликларга турли-туман латталар осиб қўйиш, азаимхонлик, дуохонлик ҳамда «мушкул-кушод» ўқитиш каби маросимлар бўлиб, бу диний сарқитларнинг айримлари ислом дини билан аралашиб, унга сингиб кетган бўлса, баъзилари ислом маросимлари билан ёнма-ён яшаб келмоқда. Булардан энг қадимий ва ўта яшовчани ўсимликларга сиғиниш, уларни қандайдир диний ақидаларга боғлаган ҳолда муқаддаслаштиришдир. Ўсимликларни илоҳийлаштириш, уларда қандайдир илоҳий куч бор, деб қараш ҳоллари ер юзининг бошқа ўлкаларидаги каби Ўрта Осиёнинг ҳам район ва қишлоқларида учраб туради. Баъзи қолоқ кишилар «муқаддас» деб ҳисобланган ўсимликлардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланмоқчи бўладилар. Улар бу хилдаги ўсимликлардан ўз дардларига мадад сўрашлари билан, унинг тагига жонлик сўйиб, ҳашаротларга, гриппга ва бошқа офатларга қарши курашмоқчи бўладилар. Айрим ҳолларда ўсимликларга сиғиниш туфайли касалларнинг тасодифан соғайиб кетиши ёки мўл ҳосил етилиши каби ҳодисалар кишилар онгида диний сарқитларнинг кенг ёйилиши учун имконият яратиб беради. Бундай кишилар, ўз фарзандларига айрим ўсимликларнинг «муқаддас»лиги уларда қандайдир илоҳий куч борлиги ёки авлиёларнинг арвоҳлари, руҳлари шу дарахтларга ўтиб қолганлиги ҳақида гапирадилар. Шу хилдаги дарахтлар олдидан чопиб ёки бемаҳалда ўтмаслик, улар ҳақида яхши-ёмон гап юртмасликни ўқтирадилар. Бундан ташқари баъзи сабабларга кўра, ақлдан озган, кар, кўр, шол бўлиб қолган, ўлган ёки фарзандсиз бўлган айрим кишиларни ҳам шу «муқаддас» дарахтлардан деб билишади. Бу хилдаги ғайритабиий тушунчаларнинг кенг ёйилиши, диндорлар учун сўзсиз қўл келади. Дин пешволари сохта диний ниқоб остида, ўз манфаатлари йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдилар, ҳатто шариатга хилоф деб кўрсатилган, лекин ўзлари учун фойда келтирадиган ҳар қандай диний ақидаларни бажаришдан қайтмайдилар.

Ҳар бир ҳодиса, вазъа ва мўъжизали кўринишларнинг туб моҳиятини очиб бериш, уларни илмий асосда

тушунтириш, улар ҳақида тўқилган уйдирмаларнинг сохта эканлигига ишонч ҳосил қилдириш каби йўллар билангина ёшлар онгидаги эскилик тушунчаларини сиқиб чиқариш мумкин. Бунинг учун ҳар бир фан ўқитувчиси мактаб атрофидаги қишлоқларда ўсимлик, мазор, ҳайвон ва бошқа ҳодисаларни дин билан боғланишини тўғри илмий материалистик асосда тушунтириб боришлари, уларнинг салбий оқибатларини мисоллар тариқасида кўрсатиб ўтишлари зарур. Бундан ташқари радио, матбуот, билим жамияти ҳам бу хилдаги эскилик сарқитларини фош этишга алоҳида эътибор бериб боришлари керак бўлади. Табиатнинг хилма-хил мўъжизали кўринишлари, уларнинг ички сирлари, шу жумладан, ўсимликлар ҳақида тўқилган уйдирмалар, уларни «муқаддас»лаштириш каби ҳолларнинг моҳияти фан томонидан очиб ташланмоқда. Бу хилдаги ўсимликларнинг хўжалик аҳамиятини аниқлаб берилиши, улардан ҳар томонлама унумли фойдаланиш имконини бермоқда. Лекин ҳозирга қадар «муқаддас»лаштирилган барча ўсимликлар ва уларнинг ички сирлари, моҳияти ҳамда сабабларига оид материалларнинг етарли бўлмаслиги, қишлоқларимизда ҳали ҳам ўсимликларга сиғиниш, улар ҳақида тўқилган диний сафсаталарга ишониш каби бемаъни одатларни сақланиб келишига сабаб бўлмоқда.

Ўрта Осиёнинг шаҳар ва қишлоқларида «муқаддас» ҳисобланган ўсимликлар тури кўп бўлиб, уларни икки гурӯҳга бўлиш мумкин. Биринчи гурӯҳга: тўранғи, тол, тут, ёнғоқ, қайрағоч, чинор, жийда, pista, арча, катронғи, дўлана, жингул, анжир, чинғил, тасбеҳ мунчоқ ёки хотин ёнғоқ дарахти, юлғун, анор, ҳасса-мусо, хурмо, қалампирмунчоқ (кейинги икки ўсимлик асли Ўрта Осиёда учрамайди. Уларнинг чет элдан келтирилган мева-тари ёки хушбўй ҳидли гул гунчалари муқаддас ҳисобланади) каби дарахт ва бута ўсимликлар кирса, иккинчи гурӯҳга: пионгул, тоғтурбид, ҳиёл, исриқ, кўз-тикан, чаёнўт, тамаки, наша, сачратқи, ялпиз, зуҳра сочи, бангидевона, тасбеҳ мунчоқ, қуёш гули (кунгабоқар), шувоқ, сассюрей (юқори тоғ ўсимлиги), саримсоқ пиёз каби ўтчил ўсимликлар киради.

Ўсимликлар азиз ва «муқаддас» деб, уларга сифиниш, мадад сўраш ер юзининг ҳамма қисмида бўлган. Шундай экан «муқаддас» ўсимликлар борми, бўлса уларнинг бошқа ўсимликлардан фарқи нимада? — деган савол туғилиши табиий. Келинг, яхшиси ана шу саволга қуйида жавоб берамиз ва биргаликда уларнинг «муқаддас»лаштиришнинг тарихий сирлари билан танишиб чиқамиз.

Маълумки, ибтидоий одамлар биринчи бор ўсимликларга дуч келди. Чунки ўсимликлар инсоннинг озиқ-овқат, кийим-кечак, тураржой, дори-дармон каби маҳсулотларга бўлган эҳтиёжларини қондиради. Кишилик жамияти пайдо бўлиши биланоқ ўсимликлар оламини ўрганишга киришилган бўлиб, ҳозир ҳам унга алоҳида эътибор берилиши бежиз эмас, албатта. Бироқ ибтидоий одамлар онгининг ўта чекланган бўлиши табиат ҳодисаларининг ички моҳиятини тушуниб етишга имкон бермас эди. Улар орасида яхши ва ёмон руҳларга ишониш кенг тарқалган бўлиб, турли бахтсизликни, ёмонликни, касалликларни ёмон руҳлар юбориб туради, деб тушунганлар. Оғир касалликларга қарши курашнинг асосий йўлини тополмаган кишилар сеҳргарлик кучларига умид боғлаганлар. Бу эса ўз шаклини ўзгартирган ҳолда ислом динида ҳам сақланиб қолган. Г. В. Плеханов сеҳргарликнинг моҳиятига тўхталиб, бу нарса «киши миясидаги нарса билан ҳақиқатда бўладиган нарса ўртасидаги фарқнинг етарли даражада тушунмасликка асосланади, сеҳргарлик эса объектив ҳодисаларни субъектив ҳодисалар билан аралаштириб юборади»¹, — деб тушунтирган эди.

¹ Г. В. Плеханов. «Статьи о религии», М., 1952, стр. 43.

Табиатдаги бахтсизлик келтирувчи ёнгин, бўрон, қурғоқчилик, сув тошқинлари, ой ва қуёшнинг тутилиши, зилзила, чақмоқ каби ҳодисалар, шунингдек, жамиятдаги айрим офатлар улар учун сирли бўлиб кўринади. Шунинг учун ҳам улар табиатда инсонлардан кучлироқ қандайдир ғайри-табиий кучлар бўлса керак, деб ўйлашар эди. Ибтидоий одамлар бизни ўраб турган табиат, жумладан, ўсимликлар, ҳайвонлар, тупроқ ва сувлар ҳам ҳамма нарсани эшитади, сезади, улардан хайр-эҳсон кутиш керак, деб ўйлаганлар. Шу тариқа уларга ялиниш, мадад сўраш, сиғиниш ва ниҳоят уларни илоҳийлаштириб «муқаддас», деб қараш кишилар орасида одат тусига кира бошлади. Натижада, ўсимликларни «муқаддас»лаштириш таркиб топди, даврлар ўтиши билан аста-секин бундай ўсимлик турлари орта борди.

Тарихий тараққиёт жараёнида одамлар табиат даҳшатларидан қутилиш мақсадида, уларнинг бошқарувчи қандайдир худоларга қурбонликлар қилиб, мадҳиялар ўқиб уларга сиғиниш билан ўз дардларини енгиллаштирмоқчи бўлганлар.

Табиий ҳолда ўсадиган ёки экиб ўстириладиган озиқ-овқат ўсимликларида қандайдир худоларнинг руҳи бор, экинларнинг сермахсул ёки кам ҳосил бўлиши ҳам шу руҳларга боғлиқ, деб ўйлаганлар. Жумладан, Марказий ва Жанубий Америкадаги маҳаллий халқлар картошка экиб, узоқ вақтгача унда авлод-аждодларнинг руҳи бор, бу руҳ рози бўлсагина, картошкадан мўл ҳосил олиш мумкин, деб ўйлаб, уларнинг руҳини рози қилиш учун ҳар йили кўплаб болаларни қурбонликка сўйганлар. Бундан ташқари Америкадаги кўпчилик аҳоли маккажўхорини маданий ўсимликларнинг худоси деб ҳисоблаганлар. Унн одам қиёфасида деворларга, идишларга расмини чизиб ундан мадад сўраб, унга сиғинганлар. Ибтидоий жамоа тузумидан кейинги формацияларда ҳам дин янада ривожланди. Бу эса диндорлар манфаати учун хизмат қиладиган диний маросимларни ўтказиб туриш, худоларга ишониш, «муқаддас»лаштирилган ўсимликларга сиғиниш каби диний сарқитларни янада мустаҳкамлаш учун имконият яратган. Айниқса, уларга табиат сирларини, шунингдек, ўсимликларнинг дори-дармон ёки заҳар сифатида организмга таъсир

қилувчи томонларини тушунтириб берадиган фаннинг бўлмаганлиги диндорларга қўл келиб, бундай ҳодисаларни худоларга боғлаб тушунтириш имконини берган. Бу билан улар сирли ўсимликлар ҳақида турли уйдирмалар тўқишиб, саводсиз, содда меҳнаткаш халқ ва ўз авлодлари онгига сингдириб боришган.

Ривоятларга кўра, ер юзидаги барча ўсимлик турлари худо томонидан бир кунда, бир вақтда яратилган, деб ҳисобланади. Шуниси характерлики, яратилган ўсимликларнинг барчаси инсон ва жинлар учун, деб бўлиб қўйилган эмиш. Масалан, Қозонда 1906 йили нашр этилган «Ажойиб-ул Маҳлуқат ва Ғаройиб-ул Масунот» номли асарнинг ўсимлик ва ҳайвонлар ҳақидаги 13-бобида, худо томонидан яратилган ўсимликларнинг 760 тури инсонларга, қолганлари эса жинларга бағишланган, деб ёзилган. Бундан ташқарп ушбу китобда қандайдир илоҳий кучга эга бўлган ўсимлик кечаси чироқ каби ёниб туради, деб тасвирланади. Уни синдириб ёки суғириб олган киши дарҳол ҳалок бўлиши, у кишининг овозини эшитган киши ҳам ҳалок бўлиши ҳақида ҳикоя қилинади. Аслилликкоҳ деб аталувчи бу ўсимлик улуғ тоғларда ўсади ва унинг илдизи худди одамга ўхшаган бўлиб, майда илдизлари эса, аёл сочини эслатади. Бу илдиз бирор киши томонидан бирор аёл кийимига қўйилса, ўша одамга нисбатан аёлда муҳаббат пайдо бўлади, деб кўрсатилади.

Ўсимликларни «муқаддас»лаштиришда уларнинг ўсган жойи ҳам катта аҳамият касб этган. Чунки ўсимлик у ерда ўсган номаълум авлиёлар билан боғланади. Баъзан авлиёлар ўтмаган бўлса ҳам соя-салқин ва бўлоқли ажойиб манзарали сайргоҳ жойларга авлиёларга қабр кўтаришади ва келган одамлардан диндор, текинхўр унсурлар ўз манфаатлари йўлида фойдаланишади. Масалан, Ҳазрати Алининг 7 жойда қабри бор дейишадди. Ўша қабрлар атрофида ўсган барча дарахтлар «муқаддас» ҳисобланади, чунки Ҳазрати Алининг «арвоҳи» шу дарахтларга ўтиб қолган эмиш. Бир кишининг 7 жойга кўмилиши ақлга сиғмайдиган бир ҳол бўлса-да, диндорлар таъсирига берилган содда кишилар, ўзлари яшган жойда Ҳазрати Алининг қабри бўлса, шу ерга кўмилган деб, унга сиғинишаверади.

Халқ орасида тарқалган айрим ривоятларга кўра, кўп йиллар бой хизматида юрган хизматкорлар хўжа-

Йинидан жавоб бўлишига кўзи етмагач, ўзи ишлатиб юрган эшак боласини олиб тунда йўлга чиқади. Қишлоғи жула олис бўлгани учун кўп юришга тўғри келади. Бироқ узоқ йўлга бардош бера олмаган ёш эшак ўлиб қолади. Хизматкор содиқ ҳамроҳининг ўлигини йўл чеккасига кўмиб, ўзи ҳам қолдан таяди, юришга малъри, ейишга овқати қолмаганлиги учун, ўша ерга белбоғини ёзиб ётиб ухлаб қолади. Йўлдан ўтган йўловчилар қабр ёнида белбоғ ёзиб ётган кишини кўриб, унга ёрдам тариқасида садақа ташлаб ўтаверншади. Бирдан хизматкор уйғониб, белбоғида нон, пул ва бошқа нарсалар тўпланиб қолганини кўради. Бундан хурсанд бўлган хизматкор белбоғини ёзиб қабр ёнида ўтираверади. Тўпланган пуллар эвазига эшагининг қабри устига катта сағана кўтаради. Ёнига тол экиб сув келтиради. Кейинчалик эса бу ер зиёратгоҳ жойга айланиб, хизматкор бой бўлиб қолади. Уннинг ва у шайхлик қилаётган «авлиё» мазорининг донғи ҳамма ёққа тарқалади. Кунлардан бир кун зиёратга келган бой авлиё қиёфасида ўтирган ўз хизматкорини кўриб хайрон бўлади ва ундан қандай қилиб бой бўлиб, бу ерни обод қилдинг, деб сўраганда, секин, сизнинг эшагингизнинг боласи эвазига, деб жавоб беради. Бундан кўринади-ки, айрим кишилар бойлик орттириш учун ҳар хил хийла-найранглар ишлатиб кўради. Шу тариқа эшак гўри ҳам авлиё гўри сифатида танилиб, у ерда ўсадиган ўсимликларни эса «муқаддас»лаштириш мумкин бўлган. Буларнинг ҳаммаси кишиларнинг соддалиги, ёлғон гапиришни билмаслиги ва шу асосда бошқалар гапига ишонаверишларини натижасидир.

Маълумки, халқнинг одати бўйича одам дафн этилган жойга соя-салқин бўлиб туриши ва марҳумнинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида тез ўсиб яхшип салқин берадиган тол, терак, чинор, қайрагоч каби ўсимликлар экишган. Бироқ орадан маълум бир вақт ўтгач, дин пешволари бу ўсимликларга диний тус бера бошлашган.

Руҳий тушкунликка учраган ёки бирор дардга мубтало бўлиб қолган содда халқ ўз дардларини енгиллаштириш ниятида, бу хилдаги «муқаддас» ўсимликларга атаб жонлик сўйиб, сиғиниб ундан ўзи учун мадад сўрайдилар. Ўсимликларни «муқаддас»лаштиришда уларнинг айрим белгилари, жумладан, исириқ, саримсоқ ва

бошқаларнинг шифобахш хусусияти асосий роль ўйнаган. Чунки, кишилар уларнинг хусусиятларини қадимдан билиб дори-дармон сифатида фойдаланиб келишган. Бироқ диндорлар оми халқни бу хусусият уларга худо томонидан берилганлигига ишонтириб келишган. Ҳатто бу ўсимликларни кимда-ким ёнида олиб юрса, ҳар хил инс-жинслардан ва касалликлардан сақлайди,— деб диний тус беришган. Ёнғоқ, жийда, каби эфир мойли ўсимликлардан ажралиб чиқадиган эфир мойларининг одамларга таъсири туфайли кўнгилсиз ҳодисаларнинг вужудга келиши уларнинг «муқаддас»лаштирилишига сабабчи бўлган. Анчар, ҳиёл, бангидевона, наша, тамаки каби ўсимликларнинг эса ўткир заҳарли хусусиятлари, уларга диний тус беришга асос бўлиб хизмат қилган. Тамаки ҳақидаги ривоятлардан бирида, уни дўзахдан чиққан, деб тасвирланади. Шунинг учун ҳам тамаки экилган ер харом бўлар эмиш. Уни тоза ҳолга келтириш учун эса, 40 йил давомида жаннатдан чиққан ўсимлик экилиши керак, деб айтилади. Бу хилдаги ўсимликларнинг заҳарли белгилари қадимдан кишиларга маълум бўлган ва уларнинг заҳридан ўз душманларини заҳарлаш мақсадида фойдаланиб келишган. Ява оролининг тоғ этакларида ўсувчи анчар дарахти ҳақидаги ривоятларда айтилишича, ундан заҳар томчиларининг томиб туриши натижасида, унинг атрофидаги ҳар қандай мавжудотларга, ҳаттоки учиб кетаётган қушлар тўдасига ҳам қирғин келтирилади, деб кўрсатилади. Руҳонийлар бу заҳарларни ҳам плохий куч томонидан берилган, деб содда кишиларни ишонтиради. Аслида анчар заҳарли бўлса ҳам, лекин у даражада эмас. Чунки анчар тагидан топилган ҳайвон қолдиқлари анчар таъсиридан эмас, балки у ерда тўпланиб қолган заҳарли газлар туфайли заҳарланиб ўлиши аниқланган. Шунингдек, Тропик мамлакатларда яшовчи халқлар нон дарахти каби дарахтларни қадимдан муқаддас деб билиб, уларга сиғиниб келганлар. Дарахт танасида сигир сути каби ширанинг бўлиши, дарахтда етилган мевадан нон тайёрланиши, уларнинг «муқаддас»лаштирилиши учун асос бўлган бўлса керак. Ҳиёлни заҳарли хусусиятларини билган Сўх қишлоғи ва унинг атрофида яшовчи халқлар ҳам ундан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиб келишган. Ана шу қишлоқларда тўқилган афсоналарга қараганда, бу ўсимликни ушлаган одам тезда

ақлдан озиб, ўша ерда ашула айтиб ўйинга тушаверар эмиш, унинг овозини эшитган кишилар ҳам дарҳол шу дардга мубтало бўлиб қолармиш. Ўрта Осиёнинг юқори тоғли районларида ўсадиган сассюрей ҳақида ҳам худди шунга ўхшаш равоятлар юритилади. Сассюрей Марказий Тянь-Шаннинг юқори тоғ чўққиларида ўсувчи кўп йиллик, худди карамсимон кўринишли, пушти саватсимон тўп гулли ўсимлик бўлиб, бу ердаги халқлар орасида тарқалган миш-мишларга қараганда, сассюрей гулини кимда-ким узиб олса, ўша заҳоти ўлади, дейилади. Бу ўсимлик табиатда кам учрайди. Уни биринчи бўлиб, ўтган асрда яшаган рус ботаниги Эдуард Регаль Жуңгар Олотовидан терган эди.

Ўсимликларнинг химиявий таркибини ўрганиш. уларда ҳар хил касаллик туғдирувчи микробларни қириб ташлайдиган, илоҳий кучга бəглиқ бўлмаган фитонцидлар (ҳар хил заҳарли моддалар) ва алкалоидлар мавжудлиги аниқланди. Бирəқ айрим ўсимликларда эфир мойи, заҳарли ва шифобахш моддалар бўлмаса ҳам, улар «муқаддас» ҳисобланаверади. Чунки, бу хилдаги ўсимликларни кўркем гулли, ўта баҳайбат, кекса бўлиши ёки масжид, мазор атрəфида ўсиб, узoқ яшаши каби белгиларини авлоддан-авлодга ўтиб келиши уларнинг «муқаддас»лаштирилишига сабаб бўлган. Равоятларга кўра, киши ўлса ўша ҳəвлидаги дарахтга унинг руҳи, арвоҳи ўтиб қолар эмиш. Шунинг учун ҳам фолбинлар касални доимо шу дарахтдан деб топиб, унга жонлик сўйиб, худойи қилиб юборишни буюради. Агар хонадонда кўнгилсиз воқеа сəдир бўлса ҳам, бунга ана шу дарахт сабабчи, деб унга чирəқ ёқиб, сиғиниб, ўз дардларини енгиллаштирмəқчи бўлишади.

Шарқдаги тропик иқлимли зoналарда ўсувчи, бизда айрим хонадонларда, масжидларда (Фарғoна шаҳридаги масжидда ҳам ўстирилади) экиб ўстириладиган тасбəх мунчоқ ўсимлигининг меваси худди мунчоқ сингари чиройли бўлгани учун уни ипга чизиб диний оятларни такрорлаш, туморлар, мунчоқлар тайёрлашда фойдаланилади ва унинг ғайри-табиий кўринишдаги мевалари туфайли бизнинг тоғли районларимизда ўсувчи тоғ олчасининг бир тури хотин ёнғoқ ҳам худди шу мақсадларда ишлатиладиган тасбəх мунчоқ меваси учун илоҳийлаштирилгандир.

Бундан ташқари арча, pista, қатронғи, шувоқ, сачратқи, пионгул, ялпиз каби ўсимликлар ҳам тоғли районларда узоқ яшаши, мазор атрофида ўсиши ёки организмга таъсир қилувчи моддаси борлиги уларни «муқаддас»лаштирилишига сабаб бўлса керак. Пионгулнинг ранги қизил бўлганлиги учун Сурхондарё области-нинг айрим районларида қадим замонларда душманлар билан бўлиб ўтган жангда тўкилган ватанпарварлар



Пионгулнинг гулли шохчаси.

қонидан ранг олиб, алвон тусга кирган бу гул, деган ривоят бор. Бу гул Қирғизистоннинг Ўш области қишлоқларида (Гулпион қишлоғида) ҳам ўсади. Қадимдан бу қишлоқларда пион гуллаган даврда пион сайли ташкил қилпш анъана бўлиб қолган. Лекин бу ерда ҳам қандайдир авлиёларга боғлаб пионгулга диний тус бериб, уни узишни ҳам ман этпшган. Шунингдек, ялпиз ҳақида халқ орасида юритиладиган афсоналарда, ялпиз пайғамбаримиз суйган ўсимлик. Унинг ўзидан ёқимли

ҳид таратиши бежиз эмас. Уни уйда сақласанг ҳар қандай инс-жинслардан сақлайди, таомга солсанг мазасини яхшилади, деб унинг моҳиятини билмасликлари туфайли диний тус беришган. Юлғун танасининг бежирим қизил рангда бўлиши, қадимдан ҳасса ва қамчига соп қилиб келишларига сабаб бўлган бўлса-да, руҳонийлар ундан дастлаб авлиёлар фойдаланган деб, унга илоҳий тус беришган. Юлғун новдаси билан одамни ёки ҳайвонни урса қон сияди ва ниҳоят ҳалок бўлади, у сеҳрли кучга эга, деб кўрсатилади.

Бундан ташқари халқ орасида тарқалган айрим афсоналарга кўра, анжир, анор, узум, қовун, буғдой, гурунч, хурмо, қалампирмунчоқ каби кўпгина ўсимлик мевалари гуноҳсиз кишилар у дунёда ҳузур қилиб дам оладиган жаннатдан чиққан дейилади. Жаннатда ҳамма нарса муҳайё бўлар эмиш. Шунинг учун ҳам у дунё ва ундаги жаннат асли йўқ нарса эканлигини руҳонийлар билсалар-да, содда кишиларни — «сен бу дунёда қанча кўп хайри-эҳсон қилсанг, у дунёда бунинг роҳатини кўрасан, жаннати бўласан», деб лақиллатишади. Кимда-ким жаннатдан чиққан анжир мевасини истеъмол қилса, гўёки у киши гуноҳларидан хориж бўлармиш. Шунинг учун ҳам анжир мевасини ҳеч бўлмаганда бир йилда бир марта истеъмол қилишга ҳаракат қилиш лозим эмиш.

Анор мевасини эса, истеъмол қилаётганда, унинг бирор донасини ҳам тушириб юбормаслик керак, дейишади. Чунки мева ичидаги доналар кўриниш жиҳатидан бир хил бўлса ҳам, лекин уларнинг бирида шифобахш хусусиятига эга бўлган «оби замзам» суви бўлар эмиш. Бу дондаги сув илоҳий кучга эга бўлиб, уни тушнрмай еган киши ҳар қандай дарддан ҳоли бўлади, деб юртилади. Албатта, бу ажойиб меваларни илоҳийлаштиришда, уларнинг лаззатли ва шифобахш бўлиши дин пешволари учун асос бўлган бўлиши мумкин. Анор ҳақида тўқилган ривоятлардан бирида шундай дейилади. Анор ҳамма жойда гуллаш мумкин, лекин у кишига кўринмайдиган, «кўз»дан узоқроқ жойдагина мева беради. Шунинг учун ҳам уни пмконияти борица боғнинг ичкарироғига ўтқазиб керак эмиш. Хива атрофида яна бошқачароқ: жумладан, анорни боғ чекароғига экишдан мақсад, қизил кийим кийган қиз ва жувошлар уни кўрмаслиги керак эмиш, чунки уларнинг қизил рангли ки-


йимидан анор гуллари тўқилар эмиш. Бу ерда ҳам биз ўсимликдаги ҳар бир кўриниш ёки мевасизликни илоҳият билан боғланишини кўришимиз мумкин.

Хурмо ва қалампирмунчоқ ҳақида тўқилган афсоналар эса, асли бизга араблардан кириб келган. Чунки, бу ўсимликлар бизда ўсмаган, лекин Хожга (Макка ва Мадинага) бориб келаётган кишилар у ерда «муқаддас» ҳисобланган мевалардан совға олиб келишлари билан бирга улар ҳақида тўқилган афсоналарни ҳам олиб келишган. Хурмо меваси яхши озиқ-овқат ва шифобахш хусусияти туфайли, қалампирмунчоқнинг гул тугунчалари хушбўй эфир мойли ва мунчоқ кўринишда бўлиши (ундан инсон кўзидан сақлайдиган кўз мунчоқ сифатида фойдаланишди) уларнинг илоҳийлаштиришга сабаб бўлган.

Шунингдек, хонадон, ҳовли ва далаларимизга ажойиб дилрабо кўриниш бериб турган гуллар ҳақида ҳам хилма-хил диний ривоятлар тўқилган. Бу ривоятларнинг кўпчилиги кишилар онгига сингиб, авлоддан-авлодга ўтган сари мустаҳкамлашиб борган ва халқ анъаналарига айланиб кетган.

Шарқ мамлакатларида тарқалган бир ривоятда шундай дейилади: булбул гулга ошиқ экан. Айниқса, у гулнинг барг ёзиб, мушк таратиб очилишини кўришга шайдо экан. Гул тонг саҳарда, яъни субҳи содиқда очилишини булбул билмас экан. Гулнинг очилишини тамоша қилиш учун, у гул яқинидаги бир сада новдасига қўниб, кечаси билан мижжа қоқмай чиқаркан. Бироқ айти гул очиладиган пайтига келиб, ухлаб қоларкан. Кўзини очиб қараганда, гулнинг яшнаб, барқ уриб очилиб турганини кўраркан. Шунда булбул гафлатда қолганига минг афсус еб, нола қила бошларкан. Гўёки булбулнинг майин, дилрабо, хазин ва юракларни тўлқинлаштириб сайраши ана шундан эмиш.

Гул — ҳаётнинг кўрки, файзи, анбаридир. Гўзал, чиройли қилиб дасталанган гул қайси тош юракни мафтун этмайди, қайси тўкин дастурхонни беэмамайди, унинг ранг-баранг мафтункор чиройи қайси дилни севинтирмайди, хушнуд қилмайди, дейсиз... Дунёдаги барча халқларда гулнинг ана шу хислатларини тараннум этувчи кўплаган-кўп ривоятлар, афсоналар, этаклар тўқилган бўлиб, шоирлар шеър битишган. Диндорлар гулни илоҳийлаштириб, жаппат мўъжизасини дейишган бўлса,



ромчилар гулга қараб фол очган. Агиргул — гулларнинг маликаси, дейишади. Диний ривоятларга қараганда, атиргул худонинг ўз бандаларига эҳсони эмиш. Қадимги ҳинд афсоналарида ҳикоя қилинишича, жаҳондаги энг соҳибжамолларнинг — маъбудаси Лакшми атиргул гунчасидан пайдо бўлганмиш. Ғунча эса, илоҳий мўъжизалар рамзи эмиш. Ҳиндларда олижаноб бир одат бор. Улар мўътабар кишилар, азиз меҳмонлар бўйнига анвойи гуллардан, моҳирлик билан ясалган гулчамбарларни тақадилар. Қадимги юнонлар атир гулга ўхшаш гулларни ниҳоятда севишган. Улар гулларни Олимпия худоларидан бири яратган, деб эътиқод қилишади. Муҳараблардан галаба билан қайтган жангчиларни гуллар билан кутиб олиб, қабр ва мақбараларни турли-туман гуллар билан безатганлар. Айниқса, худолар ҳайкалга гул қўйиш маросимн катта тантанага айланиб кетарди.

Бундан 2—3 минг йил илгари Юнонистонда ҳар йили баҳорда 3 кунгача сунбул (гиацинт) байрами ўтказиш расм бўлган. Қадимги юнон эртакларида сунбул, қайғу-ҳасрат гули, деб талқин этилган. Бунинг сабаби мана шундай экан. Сунбул ўша вақтларда ўтказиладиган спорт мусобақаларидан бирида ҳалок бўлган Гиацинт исмли бир йигитнинг қонидан униб чиққани учун, унинг номи ҳам «гиацинт» деб аталиб кетган. эмиш. Бу воқеа қанчалик сохта бўлса ҳам ривоятларда худди ҳақиқатдек тасвирланган. Шунинг учун ҳам кишилар унга ишониб, буни авлоддан-авлодга, оғиздан-оғизга ўтказиб келганлар, натижада бу халқ байрами сифатида ҳар йили нишонланилган.

Гулга сифиниш одатини юнон мустамлакачилари Римга ҳам олиб келишган. Рим республикаси даврида гул юксак ахлоқ рамзи ҳисобланган, кейинчалик эса, зеб-зийнат ҳашамлга айланиб қолган. Император ва зодагонлар гулчамбарларга ўралиб, гул сувида чўмилишган. Италиядаги бугдойзорлар ўрнига гул экиб, мамлакатни бугдойсиз қолдиришган. Машҳур бир итальян танқидчиси камолли ташвишланганидан «мисрликлар, бизларга бугдой юборинглар, бизлар бунинг эвазига гул юборамиз», — деган истеҳзоли ибора билан ўз газабини изҳор қилган эди.

Наврўз ҳақида ҳам кўп афсоналар тўқилган, ўша вақтларда наврўзгулни шифобахш жаннат гули деб би-

либ, унга эътиқод қилмишган. Қадимги юнонлар наврӯзгулни ўн икки худо гули, у ҳамма касалликларга даво деб билишган.

Баъзи кишилар наврӯзгулда хазина ва тилсимларини очадиган ҳамда сеҳр ва жодуларни бекор қиладиган яширин куч (илоҳий куч) бор, деб унга астойдил эътиқод қилиб сиғинганлар ва мадад сураганлар. Бундай афсона ва ривоятларнинг тўқилиши дин пешволари учун қўл келган бўлиб, улар оми халқни бунга ишонтиришган.

Японлар хризантемани ниҳоятда қадрлайдилар. Япония давлат эмблемаси, ҳарбий байроғи ва ҳатто пулига ҳам хризантема тасвири туширилган. Япония олий ордени ҳам «Хризантема ордени» деб номланган. Бу гул (Японлар хризантеманни — «кику» деб аташади) Японияда қуёш рамзидир. Япониянинг ибобатли байрамларидан бири «кику» гулига бағишланган хризантема байрамидир.

Хризантема байрамини ижро қилиш Японияда жуда қадим замонлардан буён расм бўлган. Байрам муносабати билан уй ва кўчаларни гуллар билан безаб, гулларга буркаб безатилган қайиқларда сайр қилиб, ашулалар айтиб, қогоз ленталарга туш билан ёзилган шеърларни ўқиб, кейин бу ленталарни дарахтларга илпб қўядилар. Хризантемани олтиндек товланиб туришни ҳар қандай кишини ҳам ўзига жалб қилмай қўймайди. Аслида бошқа гуллар каби хризантема ҳам жўркамлиги туфайли кишиларни қалбидан ўрин олиб халқ анъаналарини белгилашда қўлланадиган энг яхши символ сифатида шаклланган бўлса ҳам, лекин унга диний тус бериллиши, илоҳийлаштирилиши дин ҳукмрон бўлган даврда, халқ анъаналарини белгиловчи символ даражасидан то давлат эмблемаси даражасигача кўтарилган.

Парижликлар эса, марваридгулни (ландиш) бениҳоя севиб ҳурмат билан тилга олишади. Май ойининг дастлабки кунларида шаҳарликлар марваридгулсиз кўчаларга чиқишмайди. Чунки майнинг бошида парижликлар «марваридгул куни»ни нишонлайдилар. Ана шу кунларда марваридгулга бўлган талаб жуда ортиб кетади. Шаҳар ва унинг теварагидаги гулхона ва гулзорлардаги марваридгуллар етишмай қолади. Шунинг учун ҳам гулни узоқ-узоқлардан вагонлаб давлат томонидан олиб келтирилади. Француз қишлоқларида марваридгул ку-

нини байрам қилиш одати ҳамон сақланиб келмоқда. Бу кун ҳар сафар май ойининг биринчи ҳафтасида байрам қилинади. Шанба кунининг ярмидан бошлаб ҳамма эр-кагу-аёл, ёшу-кекса гул сайлига чиқиб, кўплаб марваридгул териб келишади. Териб келинган гул билан уйлари-нинг эшик деразасини, дастурхонларни безайдилар. Кечқурун ўйин-кулгу ва рақслар уюштиришади. Рақсга фақат марваридгул воситасида таклиф қилиш мумкин. Марваридгул, одатда йигитлар билан қизларни қовуштиради. Ҳамманинг қўлида зўр завқ, тартиб билан терилган марваридгул дастаси бўлади. Қизлар марваридгулни кўйлаклари-га қадаб олсалар, йигитлар нимчаларининг тугмаси ўрнига санчиб қўядилар. Борди-ю йигит қизни рақсга таклиф қилса ва қиз бунга рози бўлса, йигитга ўз гулини тақдим этади. Йигит ҳам, ўз навбатида, гулини қизга инъом қилади. Шу тариқа ошиқ-маъшуқлар муродига етадилар. Французларда марваридгул муҳаббат рамзи бўлса, испанларда қизил рангли чиннигулни севги рамзи деб биладилар. Бир-бирини севган ёш испан йигит-қизларининг юраги чиннигул туй-фути бир-бири билан сўзлашади.

Ўзбекистонда ҳам гул қадим замонлардан бўён ўстирилади. Баҳор ойларида гул сайли ўтказилади. Кишилар адир ва тоғларга чиқиб, лола, лолақизғалдоқ, чучмома, бойчечак каби турли-туман гуллар териб қайтишади.

Илгариги вақтларда болалар баҳор элчиси бўлмиш бойчечакни теришиб, унинг шаънига «бойчечагим бойланди...» деган ашулани айтиб, уйма-уй юриб, баҳор келганидан хабар қилишарди. Катталар эса, бойчечакни кўзларига суртиб «эсон-омонлик» қилишарди.

Демак, Ер юзининг барча қисмида ҳам ўсимликларли «муқаддас»лаштиришнинг асл моҳияти бир бўлиб, одамларнинг соддалиги, табиат ва жамият ҳодисаларини илмий асосда тўғри тушунтириб беришга ўша давр фаннинг қодир эмаслиги бунинг асосий сабабидир.

Ўлкамизнинг «муқаддас»лаштирилган ўсимликлари

Дунё миқёсида, шунингдек, Ўрта Осиё бўйича ҳам, «муқаддас»лаштирилган ўсимликларнинг тури ва сонни аниқланган эмас. Шу билан бирга ҳамма ерда бир динга мансуб бўлган кишилар учун ҳам илоҳийлаштирилган ўсимликларнинг тури ҳамда сонни белгиланган эмас.

Чунки Ер юзининг турли районларида бир динга мансуб бўлган кишилар, хилма-хил ўсимликларни «муқаддас», деб ҳисоблайдилар. Бунинг бирдан-бир сабаби ўсимликларнинг Ер юзи бўйлаб бир хилда тарқалмаганлигидир. Шунга кўра, бир жойда «муқаддас» ҳисобланган ўсимлик иккинчи бир жойда учрамаслиги мумкин. Ўрта



Тоғтурбиднинг умумий кўриниши.

Осиёнинг ўзида ҳам тоғли районларда яшовчи мусулмонлар бир хил ўсимлик гуруппаларига сиғинсалар, текисликда яшовчилар бошқа бир хил ўсимлик гуруппаларига сиғинишади. Тоғда ўсувчи ўсимликларнинг текисликда, текисликда ўсадиган ўсимликларни эса тоғда ўсмаслиги бунинг асосий сабабидир. Шунинг учун ҳам тоғли халқ кўпроқ ўша ерда табиий ҳолда ўсувчи ёки

экиб ўстириладиган арча, қатронги, ҳасса-мусо, pista, дўлана, ҳиёл, зуҳрасоч, чаёнўт, пионгул, тоғтурбид каби ўсимликларни «муқаддас»лаштирган бўлса, текисликда яшовчилар тут, тол, жийда каби ўсимликларни «муқаддас»лаштирганлар. Бироқ булар орасига кескин чегара ҳам қўйиб бўлмайди. Чунки булар орасида, терак, ёнғоқ, қайрағоч, чинор, исириқ, кўзтикан каби ўсимликлар ҳамма жойда тарқалгани учун, улар тоғли районларда ҳам, текисликда ҳам бир хилда «муқаддас»лаштирилгандир. Одатда, бир жойда «муқаддас» деб ҳисобланувчи ўсимлик тури, иккинчи бир жойда учраса ҳам, уни «муқаддас»лаштирмаслик ўсимликларнинг сохта илоҳийлаштирилганидан далолат беради.

Қуйида ўлкамизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида кўплаб кишилар сўғинадиган, афсонавий пайғамбарлар, авлёлар, арвоҳлар, жинлар билан боғланган ўсимликларнинг асл моҳияти, «муқаддас»лаштириш сабабли, хўжалик аҳамияти ва улардан хўжаликда янада кенгроқ фойдаланиш, кўпайтириш йўллари билан танишиб чиқамиз.

Тўранги. Бу ўртача катталиктаги дарахт ўсимлик бўлиб, тераклар билан бир авлодни ташкил қилади ва толдошлар оиласига киради. Тўранги Ўрта Осиёнинг қумли чўллари, дарё қирғоқлари, тўқайзорларда ўсувчи ва катта-катта майдонларда тўранғизорлар ҳосил қилувчи ўсимликлардан биридир. У март, апрель ойларида гуллаб, июль, август ойларида мева ҳосил қилади. Тўранги тез ўсадиган қаламчалар воситасида осон кўпайиб, қурғоқчилик шароитида ўсишга яхши мослашган бўлиб, ундан халқ қадим замонлардан буён қумларни тўсадиган ихотазорлар ҳосил қилишда фойдаланиб келмоқда. Бундан ташқари у тез ва арзон ёғоч етказиб берадиган қурилиш материали, ёқилги ҳамда шифобахш ўсимлик сифатида ҳам қадрланади. Бу ўсимликнинг шифобахш хусусияти, мазорлар атрофида ўсиши, унинг текинхўр унсулар томонидан «муқаддас»лаштирилишига асос бўлган. Айни вақтда Фарғона водийсининг ўзида унинг номи билан юритиладиган уч мазор маълум. Шулардан энг катта ва донг таратгани Фарғона областининг Фрунзе районидаги Қ. Маркс номи колхоз территориясида жойлашган бўлиб, бу мазор атрофидаги тўранғилар катта ҳамда қалнин ўсиб кўп жойни ишғол қилиши ва танасида тўпланадиган шира-шарбатларни ҳар хил

касалликларга даво бўлиши билан кишиларни қадимдан ўзларига жалб қилиб келмоқда. Шунинг учун ҳам бу мазор ва тўрангиларидан мадад сўраш учун ҳар хил касалликларга дучор бўлган беморлар, боласиз жувонлар водийнинг кўпчилик район ва қишлоқларидан келиб туришади. Келган беморлар ўзлари билан жонлик олиб



Тоғтурбид гулли шохчасининг бир қисмининг кўриниши.

келиб, тўрангилар остида сўйиб, яна у ердаги айрим текинхўрларга қанчадан-қанча пул ва нарсалар ҳадя қилишади. Лекин минг афсуски, кўпчилик беморлар нажотсиз қайтишади. Мазордан ёки унинг атрофида ўсувчи оддий ўсимликлардан мадад сўраб келган содда, оми кишилар, ўз орзуларига эриша олмасалар, айбни яна ўзларида, деб биладилар. Уларнинг фикрича, гуноҳлари

кўп бўлгани ва қилмишлари ёқмагани учун уларнинг тилагини «илоҳий кучга» эга бўлган тўранғи ёки мозор қабул қилмаган бўлар эмиш. Бунга, айниқса руҳий касалликка учраб шу мозордан шифо топган кишиларни рўқач қилиб олишади.

Шуниси характерлики, тўранғиларда ҳосил бўладиган шарбат, қулоқ оғриғи, теридаги ҳар хил яра каби бир қатор касалликларга яхши шифо бўлади. Шунинг учун ҳам кўп вақтлардан буён кишилар қулоқ оғриғи, захим каби касалликларни даволатиш мақсадида ҳар томондан узлуксиз келиб туришади. Шарбат берувчи тўранғи танаси ўртасидан пармалаб қўйилган ва шарбат шу тешикча орқали бирор идишга йиғиб олинади. Ҳозирга қадар шарбат томчисидан шифо топганлар кўп бўлса-да, бироқ диндорлар уни илоҳиятга боғлашади. Бу шарбат ўсимликнинг қайси қисмидан ҳосил бўлади дейсизми? Одатда ўсимликнинг пўстлоқ қисмидаги тирик найча шаклидаги ҳужайралари орқали пастга томон ҳаракат қилади. Оқиб келаётган шарбат пўсти қирқиб пармаланиб қўйилган жойга келиб томчи шаклида оқиб тушади. Агар ўша қирқилган жойга идиш қўйилса, унга аста-секин шарбат тўпланаверади. Ўсимлик шарбати унинг барг чиқариш, гуллаш, мева бериш даврида кўп-лаб ҳосил бўлади ва аста-секин куздан қишга ўтиши (барглари олтин рангга кириб тўкила бориши) билан шарбат ҳосил бўлиши то баҳорга қадар нисбатан тўхтайдди. Шундай экан, бу шарбат «муқаддас»ми? — деган савол тугилиши табиий. Йўқ, албатта. Чунки бундай шарбат ҳамма ўсимликларда ҳам ҳосил бўлади, бироқ уларнинг химик таркиби бир хил бўлмайди. Шунинг учун ҳам фақат таркиби аниқланган, фойдали шарбатларгина йиғиб олиниб, маълум мақсадларда ундан фойдаланилади. Шу тилдаги ўсимликларга шакар қамиш, қанд лавлагги каби ўсимликларни киритиш мумкин. Бу хилдаги ўсимликларнинг шарбати йиғиб олиниб, улардан озиқ-овқат маҳсулотлари, ҳар хил ичимликлар тайёрлашда фойдаланилади. Бундан ташқари ўсимликда модда алмашиш процесси натижасида сўнгги маҳсулот сифатида ишловчи алкалоидлар, глюкозидлар, каучук, смола каби моддалар ажралиб чиқади. Шарбати халқ хўжалиги учун фойдали бўлган бу хилдаги ўсимликлар жуда кўп. Ана шулардан бири тўранғи шарбатидир. Ундан халқ медицинасида диний ниқоб остида айрим

касаликларни даволаш мақсадида фойдаланиб келинаётган бўлса ҳам, лекин ҳали тўранги шарбатининг химик таркиби тўлиқ ўрганилган эмас. Айни вақтда бу ўсимликнинг биологияси, тўранги шарбатининг химик таркиби ҳам фарғоналик ботаник А. Йўлдошев томонидан академик К. З. Зокиров раҳбарлигида ўрганилмоқда. Яқин келажакда ҳеч қандай илоҳий кучга боғлиқ бўлмаган, аммо шифобахш хусусиятга эга бўлган тўранги шарбатининг сирлари ҳам аниқ бўлади. Тўранги номи билан боғлиқ бўлган иккинчи мазор Охунбобоев районининг «1-Май» колхозининг территориясида жойлашган. 1972 йили бу колхозда студентлар билан пахта теримининг компаниясида бўлганимизда тўранги мазори ҳақида ажойиб сўзларни эшитдик. Маҳаллий кексаларнинг айтишича, Тўранги мазор бобо деган авлиё шу ерга дафн қилинган эмиш. У киши жуда тез ва нафаси ўткир бўлган дейишади. Мазор атрофидаги қуриган тўрангиларни бир неча бор кесмоқчи бўлган кишилар Тўранги мазор бобо газабига дуч келган эмиш. Уларнинг оёқ қўли шол бўлиб, тезда ҳалок бўлганмишлар. Шу-шу бу мазорга ҳеч ким киролмайди, у ерда ўсган ўсимликларга қўл текизиша олмайди, дейишди. Пахта теримининг даврида қуриган тўрангиларни студентлар кесиб ўтин сифатида фойдаланишса, «мазарга шак келтирилганлар, оқибати ёмон бўлади», дейишди. Бироқ бу гапларнинг ёлғон эканлигини исботлаш учун атайлаб, ҳамма қуриган тўрангиларни кесиб олдик.

Тераклар. Бу авлод вакиллари 110 турга эга бўлиб, толдошлар оиласига мансубдир. Тераклар Ер юзининг Шимолний ярим шар қисмида, айниқса унинг мўътадил, совуқ иқлимли зоналарида кенг тарқалган ўсимликлар бўлиб, Ўзбекистонда 9 хил маданий ҳолда экиладиган ва 8 хил табиий ҳолда ўсадиган турлари маълум. Терак авлодини, айниқса мирзатерак, кўктерақ, бақатерақ ва чиннитерақ деб аталувчи турлари кўплаб экилади. Тераклар Ўрта Осиё ўсимликлари орасида чинор ва ёнғоқ каби энг улканларидан ҳисобланиб, уларнинг айрим тупларини бўйи 40—50 метр, кўндаланг кесмаси эса, 2 метр ва ундан ҳам ортиқ бўлиши мумкин. Бу авлодга кирувчи ўсимликларнинг энг характерли хусусиятларидан бири, дарахт ўсимликлари орасида тез ўсиши, кўркамлиги ва хушманзарали кўринишлар ҳосил қилиши билан кишиларни ўзига жалб қилишидир. Бу ўрнида

айниқса, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ботаника боғида профессор А. Усмонов томонидан етиштирилган янги терак навлари тез ўсиши жиҳатдан диққатга сазовордир. Ўлкамизни кўкаламлаштириш, манзарали кўриниш ва ихота барпо қилиш, тез ва арзон ёғоч маҳсулотлари етиштириш мақсадида чиқарилган бу навлар аҳолига жуда манзур бўлмоқда. Улар бир йилда 4 метргача ўсиши ва қисқа муддатда етилиши билан характерланади. Теракнинг ёғочлик қисми қурилиш материалли бўлишдан ташқари, гугурт чўплари тайёрлаш, яшикчалар, бочкалар қилиш, қоғоз ва сунъий иппак олиш учун ҳам яхши материал ҳисобланади.

Халқ медицинасида теракнинг барг ҳосил қилувчи куртакларидан бод касаллиги, куйган жойларни даволашда ва сочларни ўстиришда фойдаланилса, бақатерак баргидан эса, тери касалликларини (ҳар хил яраларни) даволаш мақсадида фойдаланиб келинмоқда. Унинг пўстлоғида тери ошлашда ишлатиладиган дубил ошловчи моддалар ҳам бўлади.

Аслида тераклар масжид ва қабристонга келган кишиларни соя-салқинда дам олишларини таъминлаш мақсадида экилган бўлса-да, дин пешволари уларни илоҳийлаштиришга тиришиб келганлар. Масалан, Фарғона областининг Бағдод районидаги Кенагас қишлоғининг шимолий шарқий томонида жойлашган Суқ мазор ёнида бир улкан терак ўсади. Бу терак «муқаддас» ҳисобланиб, суқланган кишилар шу терак тагига жонлик атаб келиб, унинг тагини супириб, уч марта юмалаб, ундан дардига шифо сўрашади. Ривоятларга кўра, бу ерга суқланиб, жонлик атаб келган барча кишилар ўз дардларига даво топар эмиш. Маълумки, баъзан киши руҳий тушкунлик ёки бошқа ички касаллик туфайли сиқилиб жуда озиб, кам уйқу, кам иштаҳаликдан нолийди. Бундай кишилар фолбинга дардини айтиши билан уни суқлангансан, деб дарҳол Суқ мазорига жонлик буюришади. Бундан ташқари тушида ҳайвон кўрган кишилар ҳам, албатта, жонлик сўйиб, терак тагига ният билан юмалашлари керак эмиш. Бу теракка сиғиниш шунчалик авж олганки, ҳатто ҳозир ҳам экин экиш олдида, улар униб чиққанда, ҳашоратлар кўпайганда, етилган ҳосилни йиғиб олиб ҳам жонлик сўйиб, ундан мадад сўраб, табиий офатларга қаршп курашмоқчи бўладилар.

Шу районнинг «Большевик» колхозидаги «Н» исмли киши ҳовлисидаги улкан теракка ҳам «суқланган» кишилар шифо ахтариб келиб туришади. Фарғона областининг Фрунзе районидаги Охунбобоев номи совхознинг Оқжар участкасида яшовчи «В» исмли кишининг ўлимини ва иккинчп бир кишининг ақлдан озганлигини ҳам шу ҳовлида ўсувчи теракнинг кесганлигидан деб юришади. Аслида «В» бошқа касал билан вафот этган бўлса, иккинчисининг ақлдан озиши наслий белги эканлиги аниқланган. Шунингдек, Бухоро шаҳри яқинида XIV асрда ўтган авлиё Баҳоваддиннинг машҳур қабри бор. У ердаги дин арбоблари, шайхларнинг айтишлари-ча, Баҳоваддиннинг қабри ва руҳи ўтган теракка уч марта сиғинишнинг савоби маккага бориб келганин топган савоби билан баровар эмиш.

Баҳоваддин ким дейсизми? Маҳмуд Баҳоваддин Нақшбандий Амир Темир даврида яшаган (XIV асрда). Бухорода вафот этган маҳаллий эксплуататорлар ҳокимиятининг ашаддий ҳимоячиси бўлган бир шахсдир. Диндорлар томонидан авлиё даражасига кўтарилган «сеҳрли» шахс сифатида донг таратган сохта авлиё Баҳоваддинга сиғиниш урф-одати ҳозир ҳам учраб туради. Улар ўз ниятларига етиш умидида «девона Баҳоваддин»га атаб руҳонийларга садақа беришади, унинг қабрига жонлик олиб келиб сўйишади, қуриб кесилган терак атрофида дуо ўқиб мадад сўрашади.

Худди шу таҳлитдаги «авлиё» теракларни Уш областининг Арслонбоб қишлоғидаги мазор ва бошқа жойларда ҳам учратиш мумкин. Фарғона, Қўқон шаҳарларидаги сўлим салқин жой ҳисобланган теракмозорлар ҳам шу хилда «муқаддас»лаштирилган. Шундай экан, бизнинг вазифамиз ўсимликларни «муқаддас»лаштиришга қарши шафқатсиз курашиш, меҳнаткашлар оммаси ўртасида илмий-атеистик тушунтириш ишларини янада кучайтириб, «муқаддас» ўсимликлар ҳақидаги текинхўр унсурлар томонидан ўйлаб чиқарилган ҳар қандай уйдирма ва сафсаталарни туб моҳияти билан фош қилиб ташлашдан иборатдир.

Толлар. Булар толдошлар оиласига мансуб бўлиб, дарахт ёки бута кўринишидаги ўсимликлар йиғиндисидан иборатдир. Тол авлодининг ҳозирда 200 тури бўлиб, Шимолий ярим шарнинг мўътадил ва совуқ иқлимли зоналарида кенг тарқалган. Унинг 30 тури Ўзбекистонда

табiiй ва маданий ҳолда учраса ҳам, бироқ улардан энг кўп экиб ўстириладиганлари оқ ва қора толлардир. Толлар ҳам тераклар каби қаламча воситасида осон кўпаядиган, тез ўсувчи ва етилувчи бўлиб, халқ хўжалигида катта аҳамиятга эгадир. Уларнинг ёғочли қисмидан қурилш материаллари, мебеллар тайёрлашда ва ёқилги сифатида фойдаланилади. Эгилувчан новдаларидан эса, ҳар хил саватлар тайёрланилади. Толлар энг яхши асал берувчи ўсимликлар ҳисобланади. Дарё ёқаларида, тўқайларда ўсувчи толзорлардан гектар ҳисобига 150 килограммдан асал олиш мумкин. Шунинг учун ҳам уни халқимиз қадим замонлардан буён экиб эъзозлаб ўстириб келмоқда.

Толлар хўжалик аҳамиятига эга бўлиши билан шифобахш ҳамдир. Унинг пўстлоғида 7—15 процент ошловчи модда бўлади. Толда яна салиция гуликозиди бўлиши характерлидир. Салицин гуликозидидан эса, салицин кислота олинади. Шунингдек, халқ медицинасида ҳўл тол новдасининг тутуни билан темиртки ва шунга ўхшаш тери касалликларини даволашда фойдаланиб келинмоқда. Бундан ташқари тол шоҳларида касалланиш туфайли ҳосил бўладиган, «ажина сунирги» деб аталадиган пўпақларни ҳам шифобахш ҳусусиятга эга эканлиги аниқланди.

Толлар ариқ ёки ҳовуз бўйларида, умуман сувга яқин жойларда ўсгани учун, уларнинг ости қуюқ салқин бўлиши билан заҳ ҳам бўлади. Айниқса, иссиқ кунларда бундай оромбахш жойларда дам олиш кишига роҳат бағишлайди. Лекин сўлим шабадали шундай соя-салқин ерларда ечинган ҳолда узоқ вақт дам олиш ёки ухлаш туфайли кишининг асаби (нерв) шабадалаб қолиши турган гап. Айрим ҳолларда юз нервларининг қаттиқ шабадаланиб қолиши ҳам кузатишган. Агар юз нервлари қаттиқ шабадаланса оғиз, юз қисмлари қийшайиб қолиши мумкин. Бундай ҳолисалар содир бўлса, унга дин пешволари, ғайри-табiiй тус беришпб, у толда «жин» бор, уни «жин» чалиб кетган, ҳа, шунинг учун ҳам оғзи қийшайиб қолган, деб муллага ўқитиш кераклигини айтадилар. Ана шундай бемаъни тушунчалар онгига сингиб кетган ҳар бир киши ўша толлар тагидан ўйланиб ўтади ва ҳар бир овозга чўчиб қарайди. Агар кечаси бўлса, тол тагида ёки сув ёнида ўзидан нур тарқатувчи ҳашоратлар кўриниб қолса ёки бирор ҳайвон ўтиб

қолса, бирор шитирлаган овоз эшитилса, қўрқинч натижасида бирор касалликка дучор бўлиши турган гап. Баъзи ота-оналар ўз фарзандлари қўрқинч натижасида касалланган бўлса ҳам, унга диний тус берган ҳолда, толдаги «жин»лардан деб юришади.

Одатда йилгит ва қизлар тушки дам олиш пайтида пайкалнинг чеккасидаги ёки ариқнинг бўйидаги толларнинг сўлим салқинини таплашади ва терлаган ҳолда ерга ҳеч нарса тўшамасдан узоқ дам олишади ёки бир томони билан ётганича ухлашади. Бу ерда ётиш, албатта, кишига жуда ёққандай туюлади, чунки бадани қизиган киши ердан нам ва юқоридан эсиб турган сўлим шабада туфайли роҳатланади. Бироқ бу хилда дам олиш кишини қаттиқ шабадаланиб, танада ҳарорат кўтарилишига сабаб бўлади. Демак, толда «жин» ҳам йўқ, «сеҳрли куч» ҳам йўқ. Яна бир мисол, Тошкентдаги илмий текшириш институтларининг бирида ишловчи «А» исмли бир профессор 1971 йили сўлим шабадали сув бўйига жойлашган тол тагида дўстлари билан узоқ вақт дам олиб, юз нервлари қаттиқ шабадалаб қолган. Шу кунни уйга келиши билан бир кечада шабадалаш ўз кучини кўрсатиб, оғиз, юзини қийшайтириб қўйган. У киши тезлик билан врачга мурожаат қилиб, даволаниши натижасида унинг юзи яна олдинги ҳолига келиб соғайиб кетган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бироқ айрим диндор кишилар бунга тушунмай, муллага ўқитиш билан шифо топмоқчи бўладилар. Афсуски, улар адашадилар, оғиз юзларининг қийшайгани ҳолда қолишига ўзлари сабабчи бўладилар.

Самарқанд областининг Нурота районидаги Ҳуккала қишлоғида айланаси тўрт метрдан зиёд келадиган кекса тол ҳам авлиёларга боғланган ҳолда «муқаддас»лаштирилган. Руҳонийлар томонидан тўқиб чиқарилган афсоналарга кўра, қадим замонларда мазкур қишлоқни ёв босиб ҳаммани қиличдан ўтказган эмиш. Қатл этилганлар орасида бир авлиё ҳам бор экан. Танасидан жудо қилинган ўша авлиёнинг боши ёв қўлига тушмаслик учун пастга юмалаб кетиб кўздан ғойиб бўлибди. Авлиё боши ғойиб бўлган жойдан кейинчалик бир ниҳол ўсиб чиқибди. Қишлоқдаги катта тол ўша ниҳол эмиш. Шунинг учун ҳам авлиё қабридан чиққан толга қадимдан кишилар сиғиниб, ундан мадад тилашар экан. Бундай толларни Нуротанинг ўзида ҳам учратиш мумкин. У ер-

даги толдан ташқари булоқ ва ундаги балиқлар ҳам «муқаддас» ҳисобланади. Бу ерда булоқ сувини «муқаддас»лаштиришда, унинг таркибида ҳар хил касалликларга даво бўлувчи минерал тузларнинг бўлиши ва ундан касалларнинг шифо топиши асос қилиб олинган бўлса, балиқда заҳарли шиллиқ парданинг бўлишидир. Чунки одамлар унинг заҳарли пардасини олиб ташламаган ҳолда истеъмол қилиб заҳарланганлар. Ундан руҳонийлар дарҳол фойдаланиб, балиқларни ҳам «муқаддас»лаштиришган. Худди шу хилдаги толлар ва балиқли булоқлар Фарғона областининг Фарғона районидаги Садкак қишлоғида, Ленинобод областининг Исфара районида ҳам илоҳийлаштирилган. Одатда булоқлар, толлар ва балиқлар ҳам қандайдир авлиёлар билан боғланган. Шунинг учун ҳам йил давомида, айниқса, ёз ойларида бу ерларга узоқ-яқиндан жонлик олиб келиб худойи қилиб туришади.

Уш областининг Қизилқия шаҳридан Фарғонага боришда йўлнинг ўнг томонидаги тоғ тизмаларидан бирининг орасидаги «Хўжа билал» деб аталадиган жой узоқдан яшил доғ сифатида кўзга ташланади. Бу жой Фарғона водийсида муқаддас жой сифатида машҳур. Авлиё «Билал Хўжа»ни зиёрат қилиш учун ҳар томондан келиб турувчи кишилар ҳозир ҳам оз эмас.

Бу кўркам, чиройли соя-салқин чакалакзорнинг шишли-шарқий томонидаги қояга ёпиштириб қурилган каттакон мақбара Билал мақбараси деб аталади. Фарғона водийсининг ҳар томонидан бу ерга келган юзлаб ва минглаб зиёратчилар «Хўжа Билал» ҳомийларига сахийлик қилиб совғалар келтирадилар. Дарахтзорга кираверишда чап томондаги кичикроқ майдон девор билан ўраб олинган. Ўртада чириб кетган кекса тол дарахти турибди. Унинг пастки қисмида катта ковак бор, шу ковакдан катта сув оқиб ўтади. Бола кўрмаган хотинлар, касалхонага бориш ўрнига бу ерга келиб, шу дарахт ковагига кириб уни силаб-сийпайдилар, дарахт атрофини айланиб чиқадилар. Унга алам боғлайдилар, унга сиғиниб фарзанд тилайдилар. Ахир бу хотинларни алдаш эмасми? Ибодат қилиш ва чириган дарахт ёрдам беради деб умид боғлаш билан туғмаслик касаллигини даволаб бўлмайди, балки уни кучайтиради. Хотинлар авлиёларнинг ёрдамига умид боғлаб, мазорларни зиёрат қилиш ва жоҳил «даъволовчилар» ёрдамига сиғи-

ниб, умрбод туғмас бўлиб қолганини кўрсатувчи далиллар кам эмас. Қелганлар «фарзанд ато этувчи» муқаддас дарахтни айланиб чиқишади. Авлиё руҳлари уларнинг илтимосини тезроқ қабул қилиши учун унинг хоки ёнида тунаб кетишади.

Шунингдек, Фарғона шаҳридан Қўқон томон кетишда чап томонда Садкак мазор жойлашган. Бу мазорни ҳам қандайдир «Садкокий» ёки «Садкак эшон» деб атаувчи афсонавий кишига боғлашади. Аслида бу сохта ясама мазор бўлиб, унинг ичига афсонавий бир шахснинг қабри жойлаштирилган. Ҳар хил касалликларга дучор бўлган кишилар бу ердаги толларга булоқ суви ва ундаги моринка балиқларга сиғинишади. Бу ерда булоқ суви тўпланган кичик ҳовуз бўлиб, шайхлар «сариқ касали билан оғриган кишилар унинг сувига тикилиб, ундаги балиқларга нон ташлаб ўтирса шифо топадилар», деган сохта уйдирма гапларни тарқатганлар. Маълумки, сариқ касал жуда юқумли ва оғир касал бўлиб, бу касал билан оғриган кишиларни тезда врачга кўрсатиш зарур акс ҳолда бу касални диний урф-одат ёрдамида тузатишга умид боғлаган кишилар ҳалок бўладилар. Фарғона шаҳар Чекшўра маҳалласидаги Саодатхон исмли бир аёл сариқ касали билан оғриб, бу касални Садкак мазорига олиб бориб тузатишга умид боғладилар, бироқ аёл бу мазордан қайтгач, касали оғирлашиб охири ҳалок бўлди. Аёлнинг касалини врачлардан яшириш, диний урф-одатларга умид боғлаш ана шундай фожияли ҳодисага олиб келди.

Оддий бир толни «сеҳрли куч»га эга деб қараш, унга сиғиниш, касалликларининг асл келиб чиқиш сабабларини билмаслик натижасидир. Буларнинг ҳаммаси дин намойёндлари томонидан ўйлаб чиқилган уйдирмалардан бошқа ҳеч нарса эмас.

Бизнинг олдимизда турган асосий вазифа толнинг фойдали томонларини билган ҳолда, ундан хўжаликнинг ҳамма соҳаларида унумли фойдаланиш, кўпайтириш ва парвариш қилишдан иборатдир.

Ёнғоқ. Ёнғоқдошлар оиласига кирувчи ўсимлик бўлиб, Ўрта Осиё ўсимликлари орасида энг улканларидан бири ҳисобланади. Унинг бўйи 35—50 метргача, кўндаланг кесмаси эса, 2 метргача етади. Ёнғоқнинг ватани Ўрта Осиё ва Олд Осиё бўлиб, у Эрон орқали Греция, Италия ва бошқа Ғарбий Европа мамлакатларига тар-

қалган. Ҳозир Ўрта Осиё республикаларидаги ёнғоқзорларнинг майдони 75 000 гектарга тўғри келади. Ёнғоқ табиий ҳолда Ўрта Осиёнинг кўпчилик тоғли районларида кенг тарқалган ўсимликлардан бўлиб, унинг Фарбий Тянь-Шань тоғларидаги майдони дунё миқёсида; ҳозир ҳам энг катта ёнғоқзор сифатида тан олинади. Ёнғоқ турлари меваси учун, шу билан бирга шаҳар ва қишлоқ кўчаларида кўркем ўсимлик сифатида ҳам экиб ўстирилади. Унинг баргларида ўзига хос ҳид берувчи эфир майлари ва заҳарли моддалар ажралиб чиқиб туради. Чунки июнь ойида териб олинган ва қурилган барг таркибида 4—5 процент аскорбин кислота, каротин ҳамда Р ва В₁ витаминлари, 0,03 процент эфир мойи, 3—4 процент ошловчи моддалар, элаг ва галлус кислоталар, фловокоидлар каби таъсирчан моддалар борлиги аниқланган. Халқ медицинасида унинг баргларида тайёрланган дамламалар рахит ва золотуха (ширинча) касалликларини ҳамда ҳар хил яраларни даволашда ишлатилиб келинмоқда. Айни вақтда баргдан ажратиб олинган юглон препаратлари илмий медицинада тери сили, стафилокок ва стрептокок микроблари пайдо қилган тери касалликлари, силлиқ терининг сурункали эпидермафит касаллигини даволашда яхши натижалар бермоқда.

Ёнғоқ мевасидан кондитер саноатида, озиқ-овқат саноатида кенг қўламда фойдаланиб келинмоқда. Чунки унинг уруғи таркибида (мағзида) 77,67 процент ёғ ва каротин, 17 процент оқсил, 16 процент крахмал ва бошқа моддалар бўлади. Шунингдек, унинг таркибида А, В₁, В₂, С витаминлари борлиги ҳам аниқланган. Ёнғоқнинг пишмаган хом меваси таркибида 3 процентгача аскорбин кислота, 25 процентгача ошловчи (танид) моддалар ҳам бўлади. Одатда пишиб етмаган ёнғоқ меваси витамин концентратлари тайёрлашда катта аҳамиятга эгадир. Мунтазам равишда ёнғоқ мағзи ёки унинг асал билан аралашмаси ҳамда ёнғоқ ёғидан истеъмол қилиб юрган кишилар бош оғриқ, ошқозон, ичак касалликлари, юрак, нафас йўли ва бошқа органларининг касаллигининг олдини олади. Бундан ташқари унинг барги ва пўстлоғидан тўқ жигар ранг бўёқ олинади, жилвали ва шиам ялтироқ ёғочлик қисмидан эса, сифатли уй-рўзгор буюмлари тайёрлашда қадимдан фойдаланиб келинади. Диндорлар ўсимликдаги барча шифобахш

хусусиятлар ва улардан ажралиб чиқиш натижасида кишига таъсир қилувчи, учувчи моддалар илоҳий куч туфайли, деб унга диний тус беришган.

Одатда ёнғоқзор ёки яхши соя берадиган йприк ёнғоқ остида бироз дам олган киши бундай моддалар таъсирини осон сезади. Агар ёзнинг иссиқ кунларида ёнғоқ тагида узоқ дам олсангиз ёки ухласангиз, унинг баргларида ажралиб чиқаётган эфир мойи ва бошқа заҳарли моддалар таъсирида одам ўзини лоҳас сезади, оғирлашади ва ниҳоят бир касалга дучор бўлиши, бу эса ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Бироқ бу моддалар билан заҳарланиш дам олган вақтда шабада бўлиш, бўлмаслигига ҳам боғлиқдир. Агар шабада бўлмаган вақтда ёнғоқзор орасида дам олсангиз, шу ажралиб чиқаётган моддалар таъсирида одам заҳарланиши, акс ҳолда эса, ёнғоқзорда улардан ажралиб чиқаётган моддалар таъсири сезилмаслиги мумкин. Чунки шабада билан заҳарли моддалар ҳар томонга тезда таралиб кетади. Худди шунингдек, якка ҳолдаги ёнғоқ ва очиқ жойдаги кичик ёнғоқзорларда ҳам заҳарли моддалар тез тарқалиб, кишига таъсири сезилмайди. Ёнғоқ ва ёнғоқзорларнинг бу сирини тушуниб етмаган кишилар дарҳол уни илоҳийлаштириб, қандайдир жинларга боғлашади.

Масалан, Ўш областининг Ленин йўли районидаги Арслонбоб қишлоғи атрофидаги ёнғоқзорлардан бирида бошқа жойдан дам олгани келган бир бола ухлаб, тўсатдан касалланиб вафот этади. Бу воқеадан хабардор бўлган руҳонийлар ва оми кишилар ёнғоққа ғайритабiiй тус беришиб, боланинг ўлимини ёнғоқзордаги «жин»лар билан боғлайдилар. Текширишлар болани «жин» чалган эмас, балки ёнғоқ баргидан ажралиб чиқаётган эфир мойи ва ҳар хил заҳарли моддаларнинг таъсирида заҳарланиб, заҳ ерда узоқ вақт ётганлиги оқибатида қаттиқ шабадаланиб, ҳарорати ортиб кетганлиги туфайли ҳалок бўлганлигини кўрсатади. Шунинг учун ҳам шабада бўлмаган вақтларда ёнғоқзорларда узоқ вақт дам олиш ёки ухлаш тавсия этилмайди.

Шунингдек, Фарғона областининг Боғдод районидаги Большевик колхози территориясида жойлашган қабристонда ҳам бир ёнғоқ ўсади. Бу улкан ёнғоқ тупининг соясида фойдаланиш мақсадида у ерга пахта қуритадиган хирмон ва дам оладиган уй қурилган. У ерда якка ҳолда дам олган ва кечаси қолган кишиларнинг айтиши-

ча ёнғоқдаги «жин»лар ҳар хил ҳайвонлар кўринишида гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга ўтар, улар билан тун бўйи олишиб чиқар эмиш. Кейинчалик катта ёшдаги ҳамда кичик ёшдаги болалар орасида касалликнинг кўпайиши хирмонни бошқа жойга кўчиришга сабабчи бўлади. Асли қабристон ёнида якка ухлаган ва дам олган ҳар қандай киши ҳам ҳар хил ҳаёлларга берилиши, ўйлаши ва у ердаги ҳар қандай овозлардан ҳам қўрқishi турган гап. Тушида ва ўғида қўрқиб ваҳимага тушиши кишиларнинг бирор касалга дучор бўлишига сабабчи бўлади. Ёнғоқ тагида баъзан (шабада бўлмаганда) ўзини лоҳас сезиши эса, ёнғоқ баргларида ажралиб чиқувчи эфир мойлари ва заҳарли моддалар натижасидир. Маълумки, одат бўйича «муқаддас» ўспмликларни кесиш, уларнинг устига чиқиш ва у ҳақида бирор сўз айтиш, мевали турлари қабристон атрофида ўсса, унинг мевасини истеъмол қилиш мумкин эмас, деб айрим унсурлар қадимдан содда халқни лақиллатиб келмоқда. Ҳозир ҳам бундай уйдирма гапларни қонун деб билиб, унга риоя қилиш ва ёш авлодга ҳам сингдириб бориш кечириб бўлмайдиган бир ҳолдир.

Бундай ажойиб ўсимликларни ҳар бир хонадонда, шаҳар ва район кўчаларида, мактаб олди участкалари ва ниҳоят болалар боғчалари ҳовлисида, шифохоналарда ўстириш ва уни парвариш қилиш мақсадга мувофиқдир. Чунки у озиқ-овқат ва дори-дармон бўладиган мева берибгина қолмай, ҳар хил касаллик туғдирувчи микробларни ҳам қириб ташлайди. Ёнғоқлар кўп бўлган жойда касаллик келтирувчи микроблар кам бўлади. Демак, қишлоқ ва шаҳарларда ёнғоқларни кўплаб экиш билан, озиқ-овқат, дори-дармон манбаларини яратган бўламиз ва кўркам кўриниш ҳосил қилиб, зарарли микробларга қарши ҳам курашган бўламиз.

Жийда. Жийда авлоди 40 турга эга бўлиб, унинг ҳамма турлари дарахт ёки бута кўринишидаги тиканли ўсимликлардир. Жийданинг турлари Шимолий Америкада, Жанубий Европада, Кичик Осиёда ва СССРда кўп тарқалгандир. Бу авлоднинг 2 тури Ўрта Осиёда ҳам учрайди. Бундан қарга ёки ялоқ жийда, деб аталувчи тури дарё қирғоқларида, қумларда ўсиб жийдазорлар ҳосил қилади. Бу жийда сертикан ва мевасининг майда бўлиши билан характерланади. Қарга жийданинг мевалари ҳар хил шаклда ва ҳар хил катталиқда бўлади.

Меваси шарсимон етилганда сариқ ранг олувчи форма-сида қанд моддаси камроқ бўлади. Иккинчи хиллари-нинг меваси чўзиқ ва кичикроқ бўлиб, етилганда қо-рамтир рангда бўлади ва қанд моддаси мева устида том-чи кўринишда бўлиниб туради. Ҳар иккисининг меваси таркибида қанд моддаси бўлганлиги учун етилган мева-лари тўғридан-тўғри истеъмол қилинаверади. Улуғ Ва-тан уруши даврида қарға жийданинг мевалари асосий озиқ-овқат бўлиб хизмат қилган. Жумладан, меваси-нинг этли қисмидан қиёмлар, ҳар хил ширин ичимлик-лар тайёрланган бўлса, унинг данакли мағзини тегир-монда тортиб нон қилиб ейишган. Жийданинг бу тури айни вақтда ихота ўрмонзорлари ҳосил қилиш учун кенг қўлланилмоқда. Унинг ёғочлик қисми қаттиқ бўлгани учун, ундан мебеллар тайёрлашда, қурилиш материали сифатида ишлатилиб келинмоқда.

Жийда авлодининг нон жийда, деб аталадиган ик-кинчи тури эса, Ўзбекистон шароитида энг кўп экиб келинган маданий ўсимликлардан биридир. Нон жийда кенг истеъмол қилинадиган ва қадимдан дастурхонлар-ни беаб келган севимли мевадир. Унинг меваси ҳозир ҳам халқимиз томонидан яхши қадрланади. Халқ меди-цинасида жийда меваси ич кетганга қарши, унинг бар-гидан тайёрланган дамламадан ошқозон ишини яхши-ловчи иштаҳа очувчи дори сифатида фойдаланиб келин-ган. Жийданинг қуритилган баргини кўк чой ўрнида ишлатиш мумкин. Ундан тайёрланган чой хушбўй ҳид-ли ва тиниқ олтин рангли бўлиб, қадимдан кишилар то-монидан чой ўрнида ишлатилиб келинган. Айниқса, Улуғ Ватан уруши йиллари чой камоб бўлган йилларда жийда барги чой ўрнида кўплаб ишлатилган. Ҳозир ҳам чой ўрнида ишлатиш мумкин. Афсуски, нон жийданинг қандак жийда, қалампир жийда деб аталувчи хиллари камайиб бормоқда. Бизнингча, ҳар қандай шароитда ўсиб, экинларга қалқон сифатида хизмат қилувчи жий-да хилларини янада кўпайтирсак фойдадан ҳоли бўлмас эди. У вегетатив йўл билан осон кўпаяди. Хўш, жийда-нинг яна қандай хосиятлари бор дейсизми?

Жийда меваси яхши озиқ-овқат бўлиши билан бирга шифобахш ҳамдир. Унинг мевалари ва танасидаги елим-лардан медицинада кенг фойдаланилади. Чунки нон жийда мевасида 40 процент углевод, шундан 20 процент фруктоза, 10 процент оқсил, ошловчи модда ва шилим-

шиқ моддалар бўлади. Нон жийда мевасидан пишатин деб аталувчи, таркибида ошловчи коллоид модда бўлган концентрат тайёрланади. Пишатин оғиз бўшлиғи шабадалаганда чайқаш учун, ич кетарга қарши, ҳазм органлар ишини яхшиловчи, қон босимини пасайтирувчи дори сифатида ишлатилиб келинмоқда. Унинг баргида 140—350 миллиграмм аскорбин кислота, гулида эса 0,3 процент эфир мойи ҳам бўлади. Бундан ташқари пўстлоғи таркибида элеогин алколонди, ошловчи ва бўёқ бўлувчи моддалар бўлади. Унинг тана ва шохларидан йигиб олинган елимлар эса таблеткалар тайёрлашда ишлатилмоқда.

Жийданинг бу турининг кўриниши, гулининг ранги билан қарга жийдага ўхшаш бўлса, мевасининг йирик ва кам тикан бўлиши билан ундан ажралиб туради. Жийданинг ҳар икки тури ҳам қайси жойда ўсган бўлишига қарамай, уларнинг ҳаммаси «муқаддас» деб ҳисобланади. Одатда жийдазорларда узоқ вақт дам олган ёки ухлаган кишилар орасида баъзи касалликларга дучор бўлиш ҳоллари ҳам учраб туради. Жийданинг серҳосил бўлиши ҳам, илоҳий куч туфайли, деб қаралган. Шунинг учун ҳам қадимги вақтларда Фарғона водийси ва Хоразм воҳасида келин, куёв тушган араваларга жийда шохн боғлаб қўйилган, бу шохлар ҳатто биринчи фарзанд бунёдга келганга қадар келин уйида осилган ҳолда сақланган. Айтишларинча, шундай қилинса куёв, келинлар ҳам худди жийда каби серфарзанд бўлар эмиш. Шунингдек, қадимги Хоразм деҳқонлари жийда меваларини баҳорга қадар сақтаб, экиш олдиндан бўлажак ҳосилни мўл бўлишини таъминлаш мақсадида бир неча дона жийда сепиб, сўнг экин экишган.

Ҳақиқатан ҳам жийда ёппасига гуллаган даврда улардан узоқ-узоқларга таралган ўзига хос ёқимли хушбўй ҳидлари ҳамма учун сир эмас. Лекин шундай даврда жийдазор тагида узоқ вақт дам олинса, баъзан кўнгилсиз ҳодисалар ҳам рўй бериши мумкин. Чунки шабада бўлмаган бундай вақтда, унинг гулидан ажралиб чиқаётган эфир мойлари одам асабига қаттиқ таъсир қилиб, киши касалланиши мумкин. Унинг тагида дам олган кишининг касалланиши «жин чалиб» кетиши ёки қандайдир илоҳий куч таъсири туфайли бўлмай, балки жийда гулларида ажралиб чиқаётган эфир мойларининг таъсири натижаси эканлиги илмий асосланган.

Жийда гулидаги эфир мойлари таъсирчан бўлганлиги учун ундан айрим ҳашаротларга қарши ҳам ишлатилади. Жумладан, жунли кийимларга ва полосларга тушадиган куяларга, уй хоналарида учрайдиган баъзи бир ҳашаротларга, қуритилган меваларга тушадиган ҳашаротларга қарши ишлатилади. Жийда гулининг юқорида айтилганидек, айрим мақсадлар туфайли уйда сақланиши, уй ҳавосига ҳам ўзгартиш киритишга ва уни хушбўй ёқимли бўлишига сабабчи бўлади.

Тут. Тутдошлар оиласининг тут авлодига кирувчи ўсимликлар 12 турдан иборат бўлиб, уларнинг ҳаммаси ҳам қимматбаҳо мева берувчи ва техника ўсимликлари ҳисобланади. Тутлар Шимолий ярим шарнинг ўрта минтақасида, тропиканинг тоғли районларида кенг тарқалган ўсимлик бўлиб, бизда табиий ҳолда учрамайди. Айрим турлари манзара яратиш ёки меваси учун экиб ўстирилади. Тутнинг ҳамма турлари учун ҳам энг характерлиси ёғочининг қаттиқ, жилвали, рангдор бўлишидир. Шунинг учун ҳам унинг танасидан дурадгорчиликда фойдаланилиб келинмоқда. Тутдан тайёрланган тароқларни ҳали ҳам халқимиз яхши қадрлайди. Бизда тутнинг 2 тури қадимдан экилиб келинмоқда. Булардан бири шотутдир. Шотут баргининг дагаллиги, мевасининг йирик қорамтир бўлиб, ширин ва бироз нордон бўлиши билан характерланади. Унинг меваси халқ медицинасида қонни тозаловчи, қизилча, бўғма каби касалларга даво бўлувчи, иштаҳа очувчи, офтоб олган кишиларни даволовчи яхши дори сифатида ишлатилиб келинмоқда. Ибн Сино асарларида тут барги қайнатмаси ангинага, янгибаргдан олинган шарбат эса тиш оғриғига даво бўлади, деб кўрсатилди. Бу ўсимлик қанчалик қимматбаҳо озиқ-овқат ва дори-дармон ўсимлиги бўлишига қарамай, камдан-кам жойлардагина ўстирилади. Бу ўсимликни ўстирмоқчи бўлган кишилар бошқа тутларга пайванд қилиш йўли билан осон кўпайтира олишлари мумкин. Шотутнинг энг ноёб ўсимлик бўлиши, мевасининг эса баъзи касалларга даво бўлиши, уни ҳам илоҳийлаштиришга сабабчи бўлган бўлиши мумкин. Бу ўсимлик мевасини истеъмол қилган кишиларнинг соғайиб кетиши, унда қандайдир илоҳий куч бор, деб қарашларига асос бўлган, албатта.

Тутнинг иккинчи тури оқ тутдир. Бу тутнинг бўйи 10—20 метрга етадиган дарахт бўлиб, меваси оқ, пушти,

қизил, оч бинафша рангли ва ширин мазали, тўйимли ўсимликдир. Оқ тутнинг ватани Хитой бўлса-да, ҳозир у ер юзининг кўпчилиги қисмида экиб ўстирилмоқда. Ўрта Осиёнинг кўпчилиги районларида оқ тут ипак қурти боқиниш, манзарали кўриниш ҳосил қилиш ҳамда меваси учун экиб ўстирилади. Унинг меваси таркибида қанд моддаси олма, лимон кислоталари ва хилма-хил витаминлар кўп бўлгани учун ундан тут толқон, тут майи тайёрланади. Пишган тут меваси шарбатидан спиртли ёки ҳар хил бошқа хилдаги ширин ичимликлар тайёрлаш учун халқимиз қадимдан фойдаланиб келган. Шу билан бирга унинг меваси тўғридан-тўғри ҳам истеъмол қилинаверади. Айниқса, халқимиз томонидан пайванд қилиш туфайли етиштирилган марвартак тут, бодроқ тут, кўкпишар тут, деб аталувчи тут навлари ҳали ҳам энг тансиқ мева сифатида қадрланади. Афсуски, кейинги йилларда бу хилдаги озиқ-овқат ва хилма-хил касалликларга шифо бўлувчи тутлар камайиб бормоқда. Бу хилдаги тутларни эъозлаш, кўпайтириш ўрнига, уларни ипак қурти боқиниш мақсадида кесиб юбориляпти. Бу ҳақда хўжалик раҳбарлари ўйлаб кўришса, яхши бўлар эди.


Одатда тутларнинг ҳам мазор, масжид атрофида ёки ҳовлиларда ўсувчи улкан ва кекса туплари «муқаддас»лаштирилгандир. Айниқса, мазор ва масжид атрофида ўсувчи туплари азиз ва «муқаддас» ҳисобланиб, уларни кесиш, олдидан чопиб ўтиш мумкин эмас, деб қарашади. Ривоятларга кўра, «азиз» кишиларнинг қабри олдида ўсган тутларга, унинг «руҳи». «арвоҳи» ўтиб қолаётмиш. Шундай тутлар олдидан бир вақтлар от чопиб ўтган қандайдир «Н» исмли кишини от билан бирга учириб юборган эмиш. Ҳа, бу «азиз»лар шаккокликни ёқтирмайдилар. Уларни оёқ ости қилган кишилар албатта азобини тартади, деб тутларга ҳам диний тус беришган. Ҳозир ҳам бундай тутлар тагида «жонлик» сўйишади, хотин-қизлар эса у ерда ўтган «азиз» кишиларнинг руҳини шод қилиш учун тут остига чироқ ёқиб қўйишади, шохларига латталар илиб, ундан мадад сўрашади. Қўрқинч туфайли касалланган беморлар, бола кўрмаган жувонлар тут остига ният билан юмалашади ва ундан нажот сўрашади. Руҳий касалликка дучор бўлган айрим кишиларнинг тасодифан шифо топиши, бундай тутларга кишиларнинг ихлосини ортиб бори-

шига сабабчи бўлади. Агар шу хилдаги улкан тутлар ҳовлида бўлса, шу ерда яшовчи кишилардан бирортаси касалланса, дарров шу тутдан деб билишади. Шунинг учун ҳам дарҳол отинбуви ёки маҳалла мулласини чақириб худойи қилиб юборади. Агар тут қуриб қолган бўлса, «арвоҳ»ларни рози (ўша ҳовлида яшаб ўлиб кетган кишилар «руҳи» «арвоҳи» шу тутга ўтиб қолармиш.) қилиш учун унинг тагига жонлик сўйиб, мулла бошчилигида маҳалла катталарини чақириб, улардан фотиҳа олишади. Шундан сўнг арвоҳ рози худо рози, деб уни кесишади.

Қайрағоч. Шу ўсимлик номи билан юритиладиган оилага мансуб бўлиб, унинг 16 тури маълум. Шундан 8 тури Ўзбекистонда ўсади. Буларнинг ҳаммаси ҳам қуюқ сояси учун экиб ўстириладиган декоратив ўсимликдир. Қайрағочнинг барча турлари қурғоқчиликка ва ҳар хил касалликларга бардошли, кўркам ва шинам кўринишли дарахт бўлиб, уларнинг бўйи 20—30 метр, кўндаланг кесмаси эса 1—2 метргача етадиган улкан ўсимликлардир. Қайрағочларнинг ҳамма турлари учун энг характерли бўлган нарса ёғочлик қисмининг қаттиқ, жилвадор, кўркам бўлишидир. Шунинг учун ҳам қайрағоч ёғочлари дурадгорчиликда, кемасозлик ва машинасозликда яхши қадрланади. Унинг пўстлогидан олинadиган ошловчи моддаси эса тери ошлашда ишлатилади. Қайрағочлардан маълум мақсадлар учун фойдаланиш мумкин бўлган заҳарли моддалар эфир мойлари бўлмайди. Лекин уларнинг узоқ яшаши, улкан ва бежирим бўлиши, ҳашаротларга чидамли бўлиши, мазор ва масжид атрофида ўстирилиши, эҳтимол уларни илоҳийлаштиришга сабабчи бўлгандир.

Қайрағочларни кўпроқ, мазор масжид, мадраса, ҳовли ҳамда шунга ўхшаш «азиз» жойларда ёки «азиз» кишилар ўтган жойларда ўсган улкан ва кекса туплари «муқаддас»лаштирилгандир. Ҳозиргача шундай «азиз» жойларда ўсган қайрағочларни ким кесса, у албатта, бирор касалга (шол, кўр, жинни, тутқаноқ, соқов ва ҳоказо) дучор бўлади деб қаралади. Бундай қайрағочларни қуриб қолган тақдирда ҳам кесишга рухсат беришмайди. Агар кимки бу хилдаги қоидаларга итоат қилмаса, динсизликда айбланади. Бундай қайрағочларни шаҳар ва қишлоқларда кўплаб учратиш мумкин. Айниқса, табиий офатлар юз берган даврда бу ўсимликка сиғи-

ниш жуда авж олади. Масалан, қўрғоқчилик бўлганда, экинларга кўп ҳашарот тушганда, халқ орасида касалликлар кенг тарқалганда, ўша ердаги маҳаллий халқлар пул йиғишиб жонлик сўйиб, ундан мадад сўрашади. Бундай диний маросимлар онда-сонда бўлса-да, ҳо-



Сада қайрағоч.

зир ҳам қишлоқларда учраб туради. Шу ҳинда авлиёлар билан боғланган қишлоқлар келиб сўғишиб, ундан мадад сўраб турадиган қайрағочларни Фарғона областининг Риштон районидаги «Риштон» совхозининг Қайрағоч номли бўлимида, Фарғона районидаги Шоҳимардон ва Миндон қишлоқларида, Фрунзе районидаги Охунбобоев

номли совхоз территориясида, Ўш областининг Новқат районидаги Саҳоба қишлоғидаги мазорда ва кўпгина бошқа қишлоқларда учратиш мумкин.

Қизиқ, оддий бир дарахт «илоҳий куч»га эга, деб қараш кулгилл бир ҳолга ўхшаб кўринади. Лекин содда халқлар шу ўсимликка сизиниб, унинг ёрдамида ҳашаротларга, қурғоқчиликка ва ҳар хил касалликларга қарши курашмоқчи бўлганлар. Буларнинг ҳаммаси табиат ҳодисалари ва ундаги офатларнинг моҳиятини тушунмаслик натижасидир. Мана шундай диний уйдирмаларни ўз вақтида фош қилиб ташлаш, унинг моҳиятини очиб бериш ва бу борада мунтазам равишда тушунтириш ишларини олиб боришгина ёшларнинг онгини чалғитишдан сақлайди ва уларни материалистик руҳда тарбиялаш имкониятини беради.

Чинор. Бу авлод 10 турдан иборат бўлиб, ягона чинордошлар оиласини ташкил қилади. Чинор авлодининг барча турлари улкан дарахт ўсимликлардир. Улар Осиёнинг Шарқий қисми, Европа, ва Шимолий Америкада ўсади. Унинг Шарқ чинори деб аталувчи тури табиий ҳолда Ўрта Осиё республикаларида ҳам кенг тарқалган. Шарқ чинори қадим замонлардан буён кўркам ўсимлик сифатида шаҳар ва район кўчаларида, паркларда, қабристон ва масжид атрофларида, шунингдек, аҳоли дам оладиган бошқа жойларда экиб келинмоқда. Чинор тез ўсиб яхши соя-салқин берадиган, узоқ яшайдиган ва ҳар хил касалликларга бардошли бўлганлиги учун маҳаллий халқ уни оқ кўнгил билан экиб, ундан фойдаланиб келмоқда.

Чинорнинг ҳам айрим қабристон, масжид атрофида ўсувчи турлари дин ахллари томонидан илоҳийлаштирилган ва уларни қандайдир номаълум авлиёлар билан боғлаб, ҳатто баъзи чинор ўсувчи жойларни зиёратгоҳ жойга айлантиришган. Чинорнинг илоҳийлаштирилиши, албатта, унинг узоқ яшаши, тез ўсиб улкан кўринишли шох-шаббалар ҳосил қилиши ҳам катта роль ўйнаган. Чунки ўрта иқлимли минтақада ўсувчи дарахт ўсимликларнинг ўртача танасининг диаметри 25—60 сантиметр, бўйи 10—20 метр атрофида бўлса, чинорнинг энг улкан турларининг бўйи 50 метр, диаметри эса 6—8 метргача бўлиб, бир неча минг йиллар яшай олиши мумкин.

Масалан, Эгай денгизининг Қость оролида ярим қуриган танасининг айланаси 18 метрга етадиган улкан чинор тупининг ёши 2 минг 300 йил ҳисобланади. Сурхондарё областининг Сайрам қишлоғида ўсувчи чинор ҳам Ўрта Осиёда энг улкан ва энг кекса дарахтлардандир. Унинг коваги уй кенглигида (диаметри 4 метр, айланаси 15 метр) бўлиб, Октябрь революциясига қадар мадраса, 1920 йили бу ерда Сайрам қишлоқ Совети, кейин эса отлиқ аскарлар полкининг кутубхонаси, кейинчалик масжид Ватан уруши даврида ўқувчилар учун синф, магазин, ошхона, чойхона сифатида фойдаланиб келинган. Бу кекса дарахт 850 ёшда, деб ҳисоб қилинган. Худди, шунингдек, Водиль қишлоғида ўсувчи чинор ҳам 850 ёшдан ортиқроқ бўлиб, унинг қавагига 10 киши сигади. Шох-шаббаларининг соясида эса, юзлаб кишилар ўтириб ҳордиқ чиқариши мумкин.

Чинорнинг бошқа дарахтларга нисбатан гайри-табиий кўриниши кишиларни албатта, ҳайратда қолдирган ва буларда қандайдир илоҳий куч бўлса керак, деб ўйлашларига сабабчи бўлган. Шунинг учун ҳам қишлоқ жойларда, бундай улкан чинорларни «муқаддас» ҳисоблашиб, унга сизинишади ва бошига тушган қийинчиликни енгилла мадад сўрашади. Масалан, Фарғона областининг Боғдод районидаги Чуринди қишлоғининг масжиди олдида ўсувчи улкан чинор 100 йилдан ортиқ яшган бўлиб, бу чинор ҳам қандайдир авлиёлар билан боғланган. Қишлоқ аҳолиси орасида тарқалган гапларга қараганда, номаълум авлиёнинг арвоқлари шу чинорга ўтиб қолган эмиш. Бемаҳал кечалари юрган кишиларга бу авлиё турли хил ҳайвонлар шаклида кўринар эмиш. Ўша ерда яшовчи чолларининг айтишларича, «М» исмли 35 ёшли йигит тунда шу ерда ўтиб кетаётганда унга мушук бўлиб кўринган, авлиё арвоқларидан ўз дардига мадад сўрагандан кейингина яхши бўлиб кетган дейишади. Юқорида номлари зикр этилган, шунингдек, бошқа қишлоқларда ўсувчи улкан чинорларининг ҳаммаси ҳам шу хилда азиз ва «муқаддас» деб ҳисобланиб, унга сизинганлар. Аслида бу дарахтда кишиларга таъсир қиладиган ҳеч қандай заҳарли моддалар ҳам илоҳий куч ҳам йўқ. Шундай экан, ажойиб манзара ҳосил қилувчи бу дарахтдан янада унумлироқ фойдаланишимиз керак. У уруғидан осон кўпаяди. Ҳозир деярли ҳамма область шаҳарларида чинор кўчатини етишти-

радиган питомниклар мавжуд. Истаган кишилар хоҳлаганича чинор кўчатларини сотиб олишлари ёки унинг уруғини кузда йиғиб олиб, ўзлари экиб ўстиришлари мумкин. Айниқса, шаҳар кўчаларида ҳар қандай транспортнинг юриши учун ҳеч қандай зарар етказмайдиган баланд бўйли сўлим салқинли чинор қаторлари бўлишини тавсия қилар эдик.

Писта. Пистадошлар оиласига мансуб бўлиб, 20 турга эга. Унинг хандон писта деб аталадиган тури дарахт ёки бута кўринишдаги ўсимлик бўлиб, унинг ватани Осиёдир. Кейинчалик у Африка, Европа ва Америка материкларига тарқалган. СССРда пистанинг асосий майдони Ўрта Осиёга тўғри келиб, у тоғ олди ва паст тоғларда кўплаб ўсади.

Дунёда ҳозир ҳар йили 7—8 минг тонна писта ҳосили олинса, шунинг 2,5 минг тоннаси Сурияда, 2,3 минг тоннаси Италияда, 2 минг тоннаси Эронда, 1 минг тоннаси Ҳиндистонда етиштирилади. Ўрта Осиёдаги пистазорларнинг умумий майдони 300 минг гектарга тўғри келса, ундан ҳар йили ўртача 300 тонна писта йиғиб олинади. Бир вақтлар Ўрта Осиё пистазорлари бундан анча кўп бўлган. Сўнгги йилларда уларга бефарқ қараш ва ундан ўтин ёки бошқа мақсадларда фойдаланиш туфайли, унинг майдони қисқариб кетган. Шунингдек, Шоҳимардон тоғ этакларида ҳам қачонлардир пистазор бўлган, деб тахмин қилинади. Айни вақтда Исфара водийсидаги тоғларда пистазорларнинг сақланиб қолгани, адир ва тоғларда экилган писталарнинг кўқариши бу тахминни қисман тасдиқлайди. Писта баргида ширанинг бир тури фаолияти натижасида бужғун деб аталадиган ичи бўш кулранг сариқ, пушти рангли нўхатдек бўртмачалар ҳосил бўлади. Бужғун ёки бузғунчи аслида ҳашаротларнинг ўсимлик баргларини тешиб, тухум қўйиши натижасида ҳосил бўлади. Одатда бу ўсимлик баргини ҳашарот яралаган жойида ҳужайра шираси ва озиқ моддалар тўпланadi. Шунинг учун ҳам бузғунчилар танинга бой бўлади. (30—77 процент). Ундан медицинада танин олинади. Танин ошқозон-ичак касалликлари, оғиз бўшлиғи, бурун ва томоқнинг яллиғланиши ҳамда куйганни, сурункали экзема ва турли яраларни даволашда ишлатилади. Шунингдек, танин оғир металл тузлари ва баъзи алкалоидлари билан заҳарланганда заҳарга қарши қўллапилади.

Писта мағзи энг мазали бўлгани учун, ундан озиқ-овқат саноатида кенг фойдаланилади. Шунинг учун ҳам унинг мевасидан юқори сифатли қуримайдиган ёғ олинади. Кондитер ва озиқ-овқат саноатида торт, шоколад каби ширинликлар тайёрлашда ишлатилади. Писта мағзи янгилигида, қовурилган ҳолда ёки шўр данак қилиниб истеъмол қилинаверади. Писта меваси оғирлигининг 48,6—52,7 проценти пўчоғига, 47,3—51,4 проценти мағзига тўғри келади. Мағиз таркибида сув — 7,04, азот — 18,44, оқсил — 17,43, ёғ — 54,63 процентни ташкил қилади. Унинг меваси халқ медицинасида кўкрак ва сил касалликларини даволашда, шунингдек, танасидан олинадиган смоладан эса, яраларни даволашда фойдаланилади. Писта тоғли районларда ўсувчи қимматбаҳо нодир ўсимлик бўлгани учун, у ҳам «муқаддас» ҳисобланади. Пистанинг энг улкан, кекса ҳамда мазор атрофида ўсувчи айрим тупларигина «муқаддас»лаштирилган. Фикримизнинг далили учун Андижон—Арслонбоб йўлидаги пистали мазорни келтириш мумкин. Андижондан—Арслонбоб томон боришда, йўлнинг ўнг томонидаги мазорда бир улкан писта ўсади. Шу йўлнинг ўнг томонидаги тоғ ёнбағирлари эса пистазордан ташкил топган. Мазордаги писта ўзининг баҳайбат катталиги ва юксаклиги билан бошқа писталардан кескин фарқ қилади. Маҳаллий аҳоли бу писта 800 ёшда, деб тахмин қилади. Бу улкан писта «муқаддас» ҳисобланиб, унга сиғиниб, унинг шохига ҳар хил латталар илиб, курбонликлар қилиб, ўз дардларига мадад сўрашади. Ривоятларга кўра, писта мағзини системали равишда истеъмол қилиб борилса, кишининг мияси тўлади, ақлли, доно бўлади. Гўёки унинг мағзида худо томонидан берилган сирли илоҳий куч бор эмиш. Илгариги вақтда катта уламолар, амалдорлар пистанинг мағзининг лаззатли мазаси учун эмас, унинг «илоҳий куч»га эга бўлгани учун истеъмол қилиб келишганмиш. Табиат ҳодисаларини тушуниб етмаган айрим қолоқ кишилар ўсимликлар ҳақида дин намоёндалари томонидан тўкилган хилма-хил уйдирмаларга ишониб келганлар. Мана шундай ҳодисаларни илмий асосда тушунтириш, қолоқ кишиларни дин сарқити исканжаларидан қутқариш, ҳар бир совет интеллигенция ходимларининг асосий бурчидир.

Тасбеҳ. Тасбеҳ дарахти (хотин ёнғоқ) — қайрағоч барг афлатуния. Бу ўсимлик атиргулдошлар оиласига

мансуб. Унинг бўйи 2 метргача етадиган бута ёки дарахтсимон ўсимликдир. Тасбеҳ дарахтининг барглари қалин, шакли тухумнинг пойнак томонидан кўринишига ўхшаш, барг қирралари ўткир тишли, бўйи 2—4 сантиметр, кенглиги 1,5—3 сантиметрдир. Гуллари оч пушти рангли бўлиб, барг ёзишдан олдин очилади. Мевалари юмалоқ ёки овал шаклида, бир оз тукли бўлади. У июль, август ойларида пишади. Данаклари ҳам юмалоқ ёки овал шаклида, мева эти сувсиз бўлади. Афлатуниянинг мевалари ташқи кўринишдан майда тоғолчаларга ўхшаб, улар фақат данагига қараб, бир-биридан фарқ қилади. Тоғолчалар данагининг икки ён томони сиқик бўлади.

Тасбеҳ дарахти Ўрта Осиёнинг тоғли районларида кўплаб ўсади. У Арслонбоб тоғларида чакалакзорлар ҳосил қилади. Бу дарахт жарликларнинг тошлоқ ён бағирларида ўсади. Бу ўсимлик Арслонбобда «хотин ёнғоқ» деган ном билан юритилади. Тасбеҳ дарахтининг меваси этсиз бўлгани учун истеъмол қилинмайди. Унинг ташқи томони нақшли бўлган данагини пуллаш учун шариат пешволари унга диний тус беришган. Ундан диний оятларни такрорлаш ва тумор тайёрлашда фойдаланилади. Дарахтда тасбеҳ мунчоқ ҳосил бўлиши, тасодифий ҳол эмас, унда қандайдир илоҳий куч бор, деб қарашади. Шунинг учун ҳам ундан тайёрланган мунчоқ ва туморлар инс-жинслардан сақлайди, ҳар қандай дардларга даво бўлади, деб авом халқни ишонтиришди. Аслида бу ўсимликда ҳеч қандай сир ёки илоҳий куч ҳам йўқ. Ундан диний тус берилмаган ҳолда исталган мақсадда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, иссиқ мамлакатларда (Ҳиндистон, Бирма, Хитой, Япония) ёввойи ҳолда ўсувчи бўйи 60—80 сантиметрга етадиган, ғалладошлар оиласига мансуб бўлган тасбеҳ мунчоқнинг меваси ҳам ялтироқ мунчоқ шаклида бўлгани учун унга ҳам диний тус берилгани ҳолда юқорида қайд этилган диний мақсадлар учун фойдаланилади. У аслида «муқаддас» ўсимлик сифатида Шарқ мамлакатларидан келтирилган ва ҳозирги кунда азиз ўсимлик сифатида Тошкент, Самарқанд, Фарғона ва бошқа областларда ўстирилади. Бир неча йиллардан буён унинг бир неча тўпи Фарғона шаҳридаги масжидда ҳам ўстириб келинмоқда. Манзара учун экиладиган оддий бир ўсимликка

диний тус берилгани ҳолда, унга сиғииш ва мадад сўраш ачинарли бир ҳолдир.

Ҳассамусо. Бу ўсимлик шилвидошлар оиласига мансубдир. Унинг 30 дан ортиқ тури бўлиб, кўпчилик турлари Осиёнинг шарқи-жанубида тарқалган. Ҳассамусо йирик бута ўсимлиги бўлиб, баъзан дарахтсимон кўриниш ҳосил қилади. Унинг бўйи 5—6 метрга етиб, шохлари анча ёйиқ, сербарг бўлади. Эски шохлари ва танасининг пўстлоғи кулранг, бўйига қараб лентага ўхшаб бўлинган, яъни толали бўлади. Барглари яхлит ёки бир оз қирқилган ленцентсимон ёки эллипссимон, саргиш яшил рангли, туксиз ёки дагал тукли, кўпинча учли бўлиб, бўйи 5 сантиметргача ва кенглиги 2 сантиметргача етади. Гуллари ёш шохлар ичида қалқон ёки бошсимон кўринишдаги кам гулли тўп гул ҳосил қилади. Косабарглари ўзаро қўшилиб ўсиб най ҳосил қилади. Косабаргининг бўйи 9—13 миллиметр, диаметри эса 2,5—5 миллиметр атрофида бўлади. Тожибарги оққиш пушти коса баргдан узунроқ (10—15 мм, узунликда, 2,75 мм дан — 4 мм кенгликда) бўлади. Тожибарглари ҳам қўшилиб ўсиб най, воронка ёки қўнғироқсимон кўриниш олади. Оталиклари 4 дона, ҳаммаси тенг ёки иккинчиси узунроқ, меваси 5—8 миллиметр узунликда бўлиб, ленцентсимон, усти эгатли (қобирғали) тук билан қопланган тўғри ёки бир оз эгилган пўстли, бир уяли, бир уруғли. Июнь, июль ойида гуллаб, август ойида мева ҳосил қилади. Мевалари майда ва пўсти қалин бўлади. Ҳассамусо Ўрта Осиёнинг айрим тоғ тизмаларида кўплаб ўсиб, ўзига хос кўринишлар ҳосил қилади. Кўпроқ у бутазор, ёнғоқзорларда, ҳар хил мевали ўрмонзорларда, арчазорларда кўплаб ўсади. Бу тур фақат Қирғизистон, Талас, Чотқол, Сувсамир, Фаргона тоғ тизмаларида ўсади, холос. Айниқса, у Арслонбоб атрофидаги тоғларда кенг тарқалган. У ерда тарқалган ривоятлардан бирида ҳассамусони кичик шаршара билан боғлашади. Шу атрофда чакалакзорлар орасида, Мусо пайғамбарнинг «ҳасса»си бор эмиш. Ирғоқнинг оқиш танасини пайғамбар ҳассаси, деб аташган. Бу ирғоқлар ҳақида ҳам қанчадан-қанча ривоятлар айтиб беришади. Мусо пайғамбар ҳассаси билан кўпгина мўъжизалар кўрсатганини гапиришади. Гўёки Мусо пайғамбар ҳассасини илонга айлантира олган, ерга бир урган жойдан булоқ чиқарган эмиш. Бу ривоятлар сўзма-сўз қуръон-

дан олинган. Шунга кўра, эпчил шайх ва муллалар Мусо пайғамбар ҳассаси билан «мўъжизалар» қилган жой мана шу ер, яъни Арслонбоб, деб уқтиришади. Шунинг учун ҳам пайғамбар юрган жойларда ана шундай проқлар — ҳассамусо ўсимлиги гуркираб ўса бошлаган. Ҳассамусодан олинган таёқ сеҳрли ҳасса эмиш. Кимдаким шу ҳассани тутса, шайтон ва жинлар ундан қочади, ит таламайди, йиқилмайди, майиб бўлмайди. Жин урган, ақлдан озган кишиларни шу ҳасса билан орқасига ҳар куни уч мартадан уриб турса, соғайиб кетади. Ҳар қандай касалга дучор бўлган кишилар ихлос билан уни ўпиб, сувга чайиб ичса, дардига шифо топади. Агар уни уйда сақласа инсу-жинс ораламайди. Шу уйда яшовчилар ҳеч қандай касалга чалинмайди, деб шайхлар, домла-имомлар бунга оми халқни ишонтириб келганлар. Пулга ўрганган айрим шахслар ҳассамусодан тайёрланган таёқларни донасини бир сўмдан пуллайдилар. Шуниси характерлики, ҳозирги пайтда ҳассамусо камайиб қолганлиги учун, ўшанга ўхшаш шилви ўсимлигидан фойдаланилмоқда. Шилви билан ҳассамусо бир оилага мансуб бўлиб, ҳар иккаласини ҳам танасининг ранги бир хил — кулрангда. Шунинг учун ҳам ҳассамусо ўрнига шилвидан таёқлар тайёрланиб (ҳассамусо) номи билан пулланмоқда. Агар шу хилда ҳассамусо ва шилви новдалари ҳасса учун кесилиб олинавερса, яқин йилларда Арслонбоб атрофида бу ўсимликлар йўқолиб кетишиг эҳтимолдан ҳоли эмас. Шунинг учун ҳам ҳассамусо ўсимлиги ҳеч қандай Мусо пайғамбар билан боғлиқ эмаслиги, кишига мадад, шифо берувчи сеҳрли кучга эга эмаслигини бу ерга желган саёҳатчиларга тушунтириб берилиши керак. Бундан ташқари ҳассамусони кесиб сотувчи ва уни сотиб олувчи шахслар ҳам қаттиқ жазоланишлари керак. Бу ҳақдаги маълумотлар эса, матбуот саҳифаларида эълон қилиб борилсагина, бундай ажойиб, кўркем ва ҳашаротларга бардошли ўсимликни сақлаб қолишимиз мумкин.

Ҳиёл. Бу ўсимлик ит узумдошлар оиласига мансуб бўлиб, унинг бўйи 50 сантиметр, илдизи эса, 2 метрга етадиган ўқ илдизли, кўп йиллик ўт ўсимлик. Унинг бир тупида бир неча поялар ҳосил бўлиб, тик ҳолда ўсади. Барглари оддий, тепа барглари юмалоқроқ, осткилари эса, кенг тухумсимон, барг бандлари узун, пластинкасининг бўйи 6—10 сантиметр, кенглиги 4—7 сантиметрга

тенг. У апрель ойининг охири ва май ойининг бошларида гуллай бошлаб, июнь ойида уруғи пиша бошлайди. Ҳиёл Фарғона водийси ҳамда Помир ва Олтой тоғларининг шимоли-шарқида тарқалган. У денгиз сатҳидан 1800—2000 метр баландликда намли жойларда, арчазор ва бошқа хилдаги бутазорлар орасида ўсади. Айрим тоғли халқлар ҳиёлни «муқаддас» деб билишади. Унда қандайдир илоҳий куч бор, шунинг учун ҳам уни кўрган, ушлаган, юлган киши, албатта, бирор касалликка мубтало бўлмасдан қолмайди, дейишади. Тоғли халқлар ҳиёл ҳақида кўплаб ривоятлар тўқишган. Шулардан бирин Фарғона областининг Риштон районидаги Сўх совхозининг Ҳушёр ва унга қўшни бўлган қишлоқларнинг аҳолиси ўртасида қадим замонлардан буён оғиздан-оғизга ўтиб келмоқда. Ривоятда қайд этилишича, Сўх тоғларида ўсувчи ҳиёл ўсимлигини кўрган, қўли билан ушлаган киши ўша заҳотиёқ ақдан озиб, ўзидан ўзи ашула айтиб, ўйинга тушармиш. Уни узоқдан кўрган ёки овозини эшитган киши ҳам тез орада шу дардга мубтало бўлармиш.

СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси С. Юнусов, илмий ходимлардан Н. Плеханова ва Мирзаматовалар ҳиёлнинг химиявий таркибини ўрганиб чиқдилар. Маълум бўлишича, ўсимлик илдизида 1,1 процент, поясида эса 0,5 процент алкалоид* бор экан. Илдизидаги алкалоиднинг 0,7 проценти, поясининг 0,3 проценти медицина учун фойда қимматли бўлган гиосциамин моддасини ташкил қилади.

Гиосциамин алкалоиди билан бирга атропин медицинада астма, бронхит ва бошқа касалликларни даволашда, шунингдек, кўз қорачиғини кенгайтиришда ишлатилади.

Ҳиёл таркибида алкалоиднинг мавжудлиги ривоятда ҳам қисман жон борлигини кўрсатади. Чунки алкалоидларнинг ози шифо бўлса, кўпи заҳардир. Бироқ уни ушлаган ёки кўрган кишини ақдан озиши мумкин эмас, албатта. Ўтмишда баъзи қора ниятли кишилар, бу ўсимликда киши организмга салбий таъсир қиладиган қандайдир «куч» борлигини пайқаган ҳолда, ўз душман-

Алкалоид сўзи арабча «ал-кали» — ишқор ҳамда грекча «ендос»-симон сўзларининг қўшилишидан келиб чиққан бўлиб, «ишқор-симон молда» маъносини билдиради.

ларини заҳарлаш мақсадида фойдаланиб келишган. Бу ўсимлик билан заҳарланиш кўпроқ овқатга қўшиб истеъмол қилиш орқали содир бўлади.

Қадимдан кишилар организмга таъсир қиладиган моддаларни билмасликлари туфайли, унга диний тус бериб, ҳиёлни «муқаддас»лаштиришган.

Ҳозирги кунда ҳам айрим маҳаллий халқ бу соҳта ривоятларга ишониб, ҳиёлда кишига кучли таъсир қиладиган қандайдир «плоҳий куч» бор, деб билишади. Мамлакатимизда фан мисли кўрилмаган даражада тараққий этаётган, жаҳон осмонида Совет космик ракета-лари парвоз қилиб юрган, атом қуввати тинчлик мақсадлари йўлида ишлатилаётган бир даврда халқ учун зарарли бўлган диний сарқитларга ишониб келувчи ва тарғибот қилувчи нодон кишиларга сафимизда ўрин йўқ. Коммунистик жамият қурувчи ёш авлод бундай диний эътиқодлардан холос бўлмоғи лозим.

Заҳрасочи (Сув сунбул, сунбул) — қирққулоқдошлар оиласига кирувчи кўп йиллик ўрмалаб ўсувчи илдизпоялик ўт ўсимликдир. «Сунбул» сўзи араб тилида «шоҳ» маъносини билдиради. У қалин бўлиб ўсган жойларда мушук думалаб-думалаб ўйнашни яхши кўради. Шунинг учун ҳам у мушук ўти деб юрнтилади. Зухрасочнинг кўркам патсимон барглари қисқарган пядан ўсиб чиқади ва кузда қуриб тушиб жетади. Келгуси йил яна шу хилда барг ҳосил бўлаверади. Тўп-тўп бўлиб ўсган етук баргларнинг бўйи 10—40 сантиметргача бўлиб, барги кенг ланцетсимон 2—3 марта патсимон қирқилган, юпқа, туксиз, барг бандлари эса сочсимон кўринишда анча нозикдир. Зухрасочи уруғ ҳосил қилмайди. У споралар воситасида кўпаяди. Шунинг учун ҳам ёз ойларида унинг баргларини орқа томонида томирлар бўйлаб спора ҳосил қилувчи органлар пайдо бўлади. Споралар етилгач, қўнғир тус олади. Одатда етук ҳолдаги спора берувчи органлар ўзаро қалин зич жойлашган доғлар кўринишида бўлади. Зухрасочи сернам салқин жойларда суви сизиб турадиган горларга киришда тошларга осилган ҳолда, булоқларда кўнлаб ўсади. Уни қисман текисликларда, кўпроқ тоғли райснларда учратиш мумкин. Зухрасочи Ўзбекистоннинг Фарғона, Самарқанд, Тошкент, Бухоро, Сурхондарё областларида кенг тарқалган. Умуман у Ўрта Осиё (Помир, Олой, Тянь-Шань, Капетдағ) Қрим, Кавказ, Европа ва Ўрта

Ер денгизи атрофида учрайди. Айрим маълумотларга кўра, зуҳрасочи халқ медицинасида, бўғма, кўкрак ва нафас йўлидаги шилимшиқ моддаларни йўқотувчи дори сифатида ҳам ишлатилади. Ўт суюқлиги сийдикни, бодни ҳайдайди, яхши ухлатади. У асабни ҳам чиниқтиради, жигар ва меъда қувватини оширади, қайнатиб суви билан кўз ювилса, кўзнинг қизиллигини йўқотади. Бош айланиши ва оғриғини қолдириб, киприкларни ўстиради. Дамлаб ичилса, юрак ўйноғи ҳамда унинг заифлигини бартараф этади. Тутқаноқ ва томир тортиб қолувчи касалликларга яхши шифо бўлади. Қанд касаллигига мубтало бўлиб пешоби кўп келувчиларни тузатади. Уни говзабон гули билан дамлаб, лимон солиб ичилса, танга рохат берувчи ва шодлантирувчи ичимликка айланади. Уни қайнатиб суви билан оғиз чайқалса, оғиз ичидаги яра-чақалар тузалади. Фиёсиддин Жазоирийнинг «ўсимликлар тили» — номли асарида, бу ажойиб ўсимликнинг яна кўплаб фойдали хусусиятлари келтирилган. Қуритиб талқон қилинган зуҳрасочидан жароҳатланган жойларни, яраларни даволашда ҳам фойдаланиб келинган. Жароҳатланган жойга талқондан бир марта сепиш кифоя. Шунинг учун ҳам уни Сурхондарё водийсида «бир сепар» деб юритишади.

Одатда ғорлар ҳам, булоқ сувлари ҳам диндорлар томонидан кўп дардларга даво берадиган қандайдир плохий куч билан боғлиқ сеҳрли жойлар, деб қаралади. Авлиёлар ёки пайгамбарлар томонидан бунёдга келтирилган бу зиёратгоҳ жойларда зуҳрасочи ҳам «муқаддас» деб қаралади. Зуҳрасочи «азиз» деб ҳисобланган жойларда ўсиб шифобахш, соч каби майин ва кўркам бўлганлиги учун ҳам «муқаддас»лаштирилган. Зуҳрасочи ҳақидаги ривоятлардан бирида, бу ўсимлик Ҳазрати Али қизларининг сочлари, деб кўрсатилади. Фарғона областининг Қувасой шаҳри билан Қува райони ўртасидаги қирларда жойлашган «Арсип ота» мазорида чашма ва унинг оқиб тушадиган жойида кичик бир ҳовузча бўлиб, унинг атрофида кўплаб зуҳрасочи ўсиб, у ўзига хос кўриниш ҳосил қилади. Бу ажойиб сўлим ўсимликни диндорлар биби Фотиманинг сочлари, деб тушунтирадилар. Агар бу ўсимлик ихлос билан олиб сочга ва бошга суркалса, абадий бош оғриғидан ҳоли бўлиб, соч яхши ўсар эмиш. Узоқ-яқиндан келган аёллар бу афсоналарга ишониб зуҳрасочни бошларига ва

сочларига суркайдилар, ихлос билан чашма сувида чўмиладилар. Шу хилда «муқаддас» ҳисобланган зуҳрасочи ўсаётган булоқларни Ўрта Оспёда кўплаб учратиш мумкин. Афсуски бундай «муқаддас» жойлар кишилар соғлиғига путур етказди. Улар ўз дардларига шифо топиш учун, баъзан врачларга мурожаат қилиш ўрнига вақтни қўлдан бой бериб, касалликни зўрайишига сабабчи бўладилар. Натижада кўнгилсиз воқеалар рўй беради. Баъзи бир аёллар ўз вақтида медицина ходимларига мурожаат қилмасдан, фарзанд кўриш умидида ёки бошқа хил касалликларга шифо топиш учун «муқаддас» жойларга, ўсимликларга сиғинадилар. Бунинг натижасида бутунлай туғмайдиган касалга мубтало бўлади ёки касали оғирлашиб ёмон оқибатларга олиб келади. Ҳолбуки, ана шу «муқаддас» деб ҳисобланган жойларнинг ўзи трахома, ҳар хил ичак касалликлари, заҳм каби турли касалликларнинг манбаидир. Чунки бу ердаги «муқаддас» сувларда, кўпинча турли венерик касалликларга мубтало бўлган темирлатки ва ҳар хил нарсалар тошган кишилар чўмилишади. Тошларга қўлоёқларини тегизишга ҳаракат қиладилар. Улар врачга бормасдан ана шундай воситалар билан даволанмоқчи бўладилар. Кўпинча беморлар касалланган жойларига тупроқ суркашади. Сувда чўмилиб дарахт пўстлогини, қабрлар девори ҳамда тошларини ўпиб, улардан мадад сўрашади. Шу тариқа шифо топувчилар орасида доимо бир ёки бир неча хил касалликлар бўлади. Кал бошини тупроққа сурса, тупроқ унинг бошидаги зарарли микроб билан яна ерга тушади. Иккинчи бир киши эса, худди шу тупроқни соғлом бошига суради, тош, девор, дарахтларни ўпиш ҳам, баданларига суркаш ҳам худди шу хилда бўлади. Натижада ўз касалига яна бир бошқа касални қўшиб кетишади.

Қуёш гули. Бу ўсимлик мураккаб гулдилар опласига мансубдир. У бир йиллик, бўйи то 4 метргача етадиган иссиқсевар ўсимликдир. Қуёш гули номи бу ўсимликка биринчи марта 1576 йилда уни текширган ва фанга киритган Лобел томонидан берилган. Бу ном ҳозир ҳам сақланиб келмоқда. Бу ўсимликни халқ кунгабоқар, деб ҳам юритади. Ҳар икки ном ҳам ўсимлик моҳиятига монанд қўйилган. Агар қуёш гулини эътибор билан кузатсангиз, эрта билан қуёш чиқаётган томонга кечки пайт эса, қуёш ботаётган томонга боқиб тургани-

ни кўришингиз мумкин. Эрталабдан то қуёш ботгунга қадар, қуёш қайси томонга ҳаракат қилса, у ҳам ўша томонга боқиб бораверади. Шундай экан унга қуёш гули ёки кунгабоқар, деб ном берилиши бежиз эмас. Қуёш гулининг асли ватани Шимолий Америкадир. Шимолий Американинг жанубида ўтказилган археологик қазилар вақтида кунгабоқар уруғлари солинган сопол идишлар топилди. Бу идишларга уруғлик бундан икки, уч минг йил илгари солиб қўйилган экан. Ёзувчи И. Вольтер ўзининг «Маҳсулотлар ҳақида афсона ва ҳақиқатлар» китобида шу фактни келтиради. Кунгабоқар уруғи Мексикага экспедицияга келган испанлар томонидан биринчи маротаба 1510 йилда Европага олиб келинган ва Мадрид ботаника боғида экилган. XVI асрнинг иккинчи ярмида шимолий Америкадан француз колонизаторлари қуёш гули уруғини Францияга олиб келишгандан кейин у бу ердан Европа мамлакатларига тарқалган. XVII асрда кунгабоқар Петр I кўрсатмаси билан Голландиядан Россияга келтирилган. Бу ўсимлик 125 йил давомида манзарали ўсимлик ёки пистаси учун хонадонларда экиб келинган. Вақт ўтиши билан аста-секин ундан фойдаланиш имкониятлари ҳам маълум бўла бorgan. Кунгабоқар уруғидан ёғ олиш мумкинлиги ҳақидаги маълумот биринчи маротаба 1779 йили матбуотда эълон қилинган. Кунгабоқардан ёғ берувчи дала экини сифатида фойдаланиш бундан 133 йил илгари Россияда биринчи бўлиб жувоз қурган рус деҳқонни Даниил Бокарев номи билан бевосита боғлиқдир. Д. Бокарев биринчи бўлиб, ўзи экиб ўстирган кунгабоқар уруғидан мой олади.

Ҳозир Иттифоқимизда кунгабоқар жаҳондаги ҳар қандай мамлакатга нисбатан кўпроқ — беш миллион гектар майдонга экилмоқда. Жаҳонда қуёш гули экиладиган барча майдонларнинг қарийб тўртдан уч қисми бизнинг мамлакатга тўғри келади. Совет Иттифоқида ҳар йили 5 миллион гектар чамасидаги майдондан 2—2,5 миллион тоннага етказиб кунгабоқар мойи етиштирилмоқда. Ҳар гектар ердан 13 центнердан ҳам ортиқроқ мой олинмоқда. Совет селекционерлари Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. С. Пуставайт ва унинг сафдошлари томонидан яратилган янги нав кунгабоқарнинг уруғида 50—60 процентгача мой бўлади. Иттифоқимизда етиштирилган сермой навлар ҳозирги пайтда

кўпчилик мамлакатларда, шу жумладан, ўзининг ватани бўлган Америкада ҳам экиб ўстирилмоқда. СССР кунгабоқарнинг иккинчи ватанига айланди.

Кунгабоқар инсонга жуда яхши хизмат қилмоқда. У мой, асал, дори, писта демакдир. Бу ажойиб ўсимликнинг ҳатто чиқиндиси ҳам иш беради. Биринчи сорт кунжарадан ҳолва, иккинчи сорт кунжарадан эса, чорва озуқаси тайёрланади. Унинг пўчоғидан ёқилғи ва қурилиш материали сифатида фойдаланилади. Бундай олижаноб ўсимликни Эрон ва Ўрта Осиёда яшовчи эронийлар «муқаддас» деб билишади. Кунгабоқарнинг «муқаддас»лаштирилишига асосий сабаб, уни қуёш юрган томонга қараб ҳаракат қилиши ва янги тушган келинчакдек қуёш томонга донмо таъзим билан эгилиб турishiдир. Одатда ҳамма ўсимликлар ҳам ҳаракат қилади, лекин бу ҳаракат баъзиларида сезиларли бўлса, баъзиларида бу ҳолатни сезиш қийинроқ бўлади. Ҳаракатлар ҳам нам, яъни сув томонга ва ёруғлик, яъни қуёш томонга бўлади.

Кўзтикан. Бу икки йиллик ўсимлик бўлиб, мураккаб гуллар оиласининг бўтакўз авлодига мансубдир. Бўтакўз 550 турга эга. Унинг 178 тури СССР да, 14 тури Ўзбекистонда ўсади. Бу авлодга кирувчи ўсимликлар орасида заҳарли, доривор, бўёқ берувчи турлари кўп бўлса-да, кўзтиканда бундай хусусиятлар йўқ. Кўзтиканнинг бўйи 20—70 сантиметрга етиб, сершоҳ ва баргларининг чекка қисми тиканларга айланган, қурғоқчилик шароитида ўсишга яхши мослашган ўсимликдир. У ер юзининг Кичик ва Олд Осиё қисмида, Кавказда, Ўрта Осиёда кенг тарқалгандир. Кўзтикан Ўзбекистоннинг адир ва қирларида табиий ҳолда ўсса, сугориладиган зоналарда беғона ўт сифатида экинлар орасида ҳам учрайди. Ўрта Осиё халқлари қадимдан буён бу ўсимликдан қандайдир «сеҳрли кўз» дан сақловчи плохий восита сифатида фойдаланиб келишган. Маҳаллий халқ кўзтикан билан исирик аралашмасидан туморлар қилиб кўзга ташланадиган отларга, сигирларга, қўй ва бошқа ҳайвонларга ҳамда ёш болаларга, айрим ҳолларда йигит ва қизларга тақиб қўйишар эди. Диний ривоятларга кўра, барча кўзга ташланадиган нарсалар ҳайвонлар, кишилар, экинлар кўзтикан ёрдамида «сеҳрли кўздан» сақланиб келган эмиш. Шунинг учун ҳам бозорга олиб борилаётган ҳайвонга кўзтикан ва исирик

яралашмасидан қилинган тумор тақиб қўйилар ёки хонадондан чиқиш олдидан исириқ тутатиб, кўзтикан шохчасини бирга бозорга олиб борилар эмиш.

Баъзи кишиларнинг гигиена қоидаларига риоя қилмасликлари туфайли, жароҳатланган жойларини микроблар таъсирнда ўйилган яраларга айланишини ҳам «сеҳрли кўз»дан деб қараб, бу ярани «кўз яра», деб юритишадн. Шундай яраларни кўзтикан ёрдамида унинг шохларини куйдириб кулини сепиш ёки муллага дуо ўқитиш билан даволамоқчи бўладилар. Афсуски бу хилдаги даволаш методи ярани тузатишга ҳеч қандай ёрдам бермайди.

Хўш, кўзтикан ҳақиқатан ҳам «сеҳрли кўз»дан сақлайдиган мўъжизага эга бўлган ўсимликми? Йўқ, албатта. Чунки кишилар ўйлаганидек сеҳрли кўз ҳам йўқ, кўзтиканда ундан сақлайдиган сирли ёки илоҳий куч ҳам йўқ. Бошқа ўсимликларни «муқаддас»лаштиришда, уларнинг шифобахш ёки заҳарли моддалари сабабчи бўлган бўлса, кўзтиканда бундай моддалар ҳам йўқ. Бу ўсимликни илоҳийлаштиришда унинг гул ва мева кўриниши асос бўлган бўлиши мумкин. Одатда унинг тўп гули остидаги ўрама барглари қаттиқ ва учидаги тиканлар киприксимон кўринишда бўлади. Кўзтиканнинг тўп гулли ва мевасининг кўзга ўхшаш бўлиши, айниқса тиканли бўлиши кўзга қарши қўйилиши учун асос бўлган бўлиши мумкин. Айрим ҳайвонлар ёки кишиларни тўсатдан ҳалок бўлиши, ҳосилни етилиш олдидан пуч гулли бўлиб қолиши каби ҳолатларнинг туб моҳиятини билмаслик, уни қандайдир «сеҳрли кўз»дан деб қарашларига сабаб бўлган бўлиши мумкин. Бундай «кўз»лардан сақловчи восита сифатида кўзтикандан фойдаланилган. Буларнинг ҳаммаси меҳнаткаш халқни қандайдир худоларга ишонтириш, уларни доимо бўйсундириш ва эзиш мақсадида тўқилган уйдирмалардан бошқа ҳеч нарса эмас, албатта.

Исириқ. Бу ўсимлик туятовондошлар оиласига мансуб бўлиб, бўйи 40—60 сантиметрга етадиган сершоҳ, қурғоқчиллик шароитида ўсишга мослашган узун ўқ илдизи 2 метр бўлган кўп йиллик ўт ўсимликдир. У ўзига ҳос қўланса ҳидли, тахир мазали ва заҳарли бўлгани учун ҳам ҳўллигида ҳайвонлар мутлақо емайди. Табиатда исириқ асосан уруғидан кўпаяди. Эрта кўкламда она ўсимлик атрофида 5—6 та исириқ майсалари ҳо-

сил бўлиб, ўсиб сершоҳ, йирик тушларга айланади. Исирик Марказий Америка, Европанинг Жануби ва Кичик Осиёдан Мўғулистонгача бўлган территорияларда учрайди. Одатда исирик Ўзбекистоннинг чўл ва адирларида, қисман тоғли районларида табиий ҳолда кўплаб ўсадди. Айниқса, у қўй қўралари, моллар ҳайдалган йўллар, қишлоқлар атрофида бегона ўт сифатида кўплаб учрайди.

Кишилар қадим замонлардан бери исириқдан доривор ўсимлик сифатида фойдаланиб келишган. Исириқнинг шифобахш хусусиятлари Абу Али ибн Сино асарларида ҳам ўз ифодасини тошган. Лекин яқин йилларга қадар ҳам унга диний тус берилгани ҳолда бу ўсимликда қандайдир «сеҳрли сир» бор, у ҳар қандай дардларга даъво бўлади, бало-қазолардан сақлайди, деб ихлос қўйиб келинган.

Исириқдан тайёрланган суюқлик билан қадим замонлардан буён халқ медицинасида қичима, бод, тери касалликларини даволашда фойдаланиб келинган. Шунингдек, исирик уруғининг дамламасидан ошқозон касалини даволаш мақсадида фойдаланиб келинмоқда. Ривоятларга кўра, қайси хонадонда исирик тутатилиб турилса, касаллик кам бўлади, чунки у касалликларни келтирувчи «инсон кўз»идан сақлайди ва инс-жинсларни ҳайлаб чиқаради, деб қаралади. Унинг тутунлари инс-жинсларни ҳайлаб чиқарса, ундан қилинган туморлар «инсон кўз»идан сақлар эмиш. Албатта, исириқда қандайдир куч бор деб билиш, унинг шифобахшлик хусусиятларини тушуниб етмаганликларининг натижасидир.

Айни вақтда исирик уруғидан гармалин, гарман, пеганин каби алкалоидлар олинмоқда, улардан медицинада ошқозон, ичак, шол, титроқ безгак каби ҳар хил касалликларни даволашда ва асабни қўзғатувчи, қон босимини пасайтирувчи, гижжа туширувчи, шиш қайтарувчи дори сифатида фойдаланилмоқда. Юқоридаги алкалоидлар орасида энг таъсирчан ва кўп миқдорда (уруғ таркибида 3—4 процент) учрайдиган гармолиндир. Гармолин марказий нерв системасига, айниқса мия пўстлогининг ҳаракатлантирувчи марказига актив қўзғатувчи сифатида таъсир кўрсатади. Бундан ташқари юрак, ичак, бачадон, скелет мускул системасига, чекка

қон томирларининг кенгайишига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Исириқ тутатилганда ажралиб чиқаётган тутун хоналарда дезинфекция қилиш хусусиятига эга бўлиб, ҳавони ҳар хил касаллик тугдирувчи микроблардан тозалайди. Натижада шу хонадонда касаллик кам бўлиб, у яна ўзининг ёқимли ҳиди билан бошқа ҳидларни йўқотади.

Кейинги йилларда грипп касали бир неча бор кенг тарқалганлиги муносабати билан, исириқдан гриппга, шунингдек, бошқа касалликларга қарши курашда фойдаланиш самарали натижалар берди ва бермоқда. Олимлар томонидан олиб борилган кузатишлар шуни кўрсатдики, тез-тез исириқ тутатилган хонадонларда катта ёшдагилар ҳам, кичик ёшдагилар ҳам грипп билан оғримаган, айрим ҳолларда оғриси ҳам, у енгил ўтган. Демак, исириқ сақлаш ва уни тутатишни хурофот дейишнинг ўзи ёлгон экан.

Фан ютуқлари томонидан ўсимлик сирларини очиб ташланиши, сўзсиз аста-секинлик билан бўлса ҳам улар ҳақидаги ўйдирмаларга ва хурофотларга чек қўяди.

Чаёнўт. Бу ўсимликнинг бўйи 60—100 (150) сантиметр бўлиб, эркак ва ургочи гулларининг айрим-айрим тўпларда етилиши билан характерланади. У илдиз пояни, барглари тухумсимон, учига томон ингичкаланиб борадиган, йирик арра тишли кўп йиллик ўсимликдир. Чаёнўтнинг чақувчи тукчалари унинг танаси, барги ва тўп гулларини қоплаб олган.

Чаёнўт шу номли оилага мансуб бўлиб, у Ўрта Осиёнинг тоғлик районларида, айниқса уй ва йўл атрофларида, ариқларнинг бўйида, ахлатхоналарда кўнлаб ўсadi. У А, В, С, К витаминларига бой поливитаминли ўсимлик. Халқ медицинасида ундан сийдикни ҳайдовчи, бод касалини даъволовчи ҳамда қон оқинини, оғриқни тўхтатувчи дорилар тайёрланади.

Айни вақтда илмий медицинада ҳам унинг шифобахш хусусиятларидан хилма-хил касалликларни даволаш мақсадида фойдаланилмоқда. Чаёнўт барги «К» витамини, ўртицин гликозиди, ошловчи молда, оқсил, чумоли ва аскорбин кислоталарига бойдир. Бундан ташқари унинг баргидан соф ҳолда 2—5 процент хлорофилл ҳам ажратиб олинади. Таркибида К, С, витамини, каротин ва хлорофил бўлган препаратлар қон кетганда уни

тўхтатувчи дори сифатида кенг қўлланилади. Бунда «К»-витамини қон тўхтатса, хлорофил нафас олиш маркази, юрак, қон томирлари системаси, ичак ишлари фаолиятини яхшилайди ва организмга бардамлик, тетиклик бахш этади. Бундан ташқари чаёнўтдан тайёрланган препаратлар қонда гемоглобин ва эритроцит процентини оширади.

Одатда чаёнўт барги туллаган даврда, яъни июнь ойларидан бошлаб йигиб олинади. Йигиб олиш учун қўлқоп кийиб олиш тавсия этилади. Йигилган барглари сўлишп биланоқ чақиш хусусиятини йўқотади. Қуритилган баргларини чой ўрнида ҳам ишлатиш мумкин. Бундан ташқари чорва моллари учун қишга яхши озуқа ҳам бўлади. Айниқса, паррандаларга бутун қиш бўйи бериб борилиши, уларни витаминлар етишмаслиги туфайли ҳосил бўладиган касалликлардан сақлайди. Чаёнўт ҳайвонлар учун витаминларнинг манбаи бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун ҳам уларнинг алоҳида ёқп силосга қўшган ҳолда чорва молларига ҳам бериб борилишини тавсия этар эдик.

Хўш, у нима сабабдан чиқади дейсизми? Маълумки, ҳар бир ўсимлик ўзини ҳимоя қилиш, наслини сақлаб қолиш учун курашади. Шу эволюцион курашда айрим ўсимликларда ҳимоя сифатида эфир мойлари ёки заҳарли моддалар ҳосил бўлган бўлса, баъзиларида тиканлар ёки дағал ва қалин туклар ҳосил бўлган. Бу органлар қандайдир плохий куч томонидан берилган қурол эмас, балки ўсимлик наслини қолдириш учун олиб борган кураши туфайли ҳосил бўлган. Ўсимликнинг чаён каби чақиши ҳам қандайдир ғайри-табiiй нарса бўлмай, балки эволюцион процесда ўз душманидан ҳимоя қилиш учун ҳосил қилган мосланмадир.

Юқорида айтганимиздек, чаёнўтни поя ва барги чақувчи туклар билан қопланган бўлиб, бу тукларнинг учи учли безчали эгилган ва мўрт бўлади. Бироқ бу тукларни фақат микроскоп ёки лупалар ёрдамида кўриш мумкин. Шу ўсимликнинг тукли қисми қўлга тегиши билан тукли учи терига кирадида, синиб унинг остидаги безчада жойлашган чумоли кислотаси ва бошқа моддалар қонга ўтади. Булар ўювчанлик хусусиятга эга бўлганлиги учун киши баданини ачиштиради ва шиш ҳам ҳосил қилади. Агар қўл терилари худди жафт терисидек чиниққан, дағал бўлса, у ҳолда чаёнўт туклари таъсир

қилмайди. Акс ҳолда таъсири яхши сезилади. Ривоятларга кўра, «илоҳий куч»ни эсга олиб эътиқод билан ушласа, чаёнўт ўз заҳарларини сочмас, борди-ю шаккоқлик қилиб тегса уни чақар эмиш.

Маълумотлардан кўриниб турибдики, чаёнўтда ҳеч қандай «мўъжизали куч» йўқ. Унинг қақиши ҳимоя воситасидир. Чаёнўтнинг химик таркиби ва қақишининг моҳиятини тушунмаган содда халқни хурофот эгалари лақиллатиб, чаёнўтни илоҳийлаштирилган ҳолда ўз манфаатлари йўлида фойдаланиб келишган.

Юқорида ўсимликларнинг «муқаддас»лаштирилиши ҳақида баён қилинган маълумотлардан кўриниб турибдики, табиатнинг барча соҳаларидаги каби ўсимликлар оламида ҳам, илоҳий, сеҳрли кучга эга бўлган, кишиларга ғойибона, ғайри-табиий йўл билан таъсир кўрсатувчи «муқаддас» ўсимликлар йўқ. Худди шунингдек, ўсимликларнинг авлиёлар ва уларнинг арвоҳлари билан боғлаш ҳақидаги уйдирмалар ҳам қуруқ сафсатабозликдан бошқа ҳеч нарса эмас. Лекин табиат сирларини тушунмаслик, жумладан, кишиларга таъсир қилувчи хилма-хил ўсимликлардаги моддаларнинг заҳар ёки шифо бўлиш моҳиятини билмаслик каби ҳоллар ибтидоий одамлар томонидан айрим ўсимликларни «муқаддас»лаштирилишига сабаб бўлган. Афсуски, ибтидоий одамлардан қолган эскилик сарқитлари ислом динига бутунлай ёт бўлса ҳам, унинг кишилар онгида сақланиб, авлоддан-авлодга ўтиб келиши ачинарли бир ҳолдир.

Дин пешволари, шайхлар ва бошқа текинхўр унсурларнинг ҳар хил найранглар билан халқ орасида ишониқ қозониши, диний эътиқодларга кўр-кўрона эргашувчи содда кишиларни тўғри йўлдан чалғитиб, уларни занжирбанд қилиб олишларига имкон берган. Улар эса, ўз мавқеларини мустаҳкамлаш, бойлик орттириш ва бошқа гаразли ниятларини амалга ошириш мақсадида оддий дарахтларни сохта авлиёлар ва пайғамбарлар номи билан боғлаб, халқ оммасини алдаб келганлар.

Эндиликда табиат фанларининг ривожланиши ўсимликлардаги фойдали хусусиятларни аниқлаш, улардан халқ хўжалигида унумлироқ фойдаланиш имкониятини яратиш билан улар ҳақида тўқилган барча диний уйдирмаларни ҳам пучга чиқармоқда.

Ўсимлик инсоннинг энг яқин дўстидир. Чунки у кишиларнинг яшаши учун зарур бўлган барча маҳсулот-

ларни етказиб беради. Ўсимликсиз ҳаётни ҳам тасаввур қилиш қийин. Шундай экан, фойдали ўсимликларни кўпайтиришга, улардан халқ хўжалигида янада унумлироқ фойдаланишга ва «муқаддас»лаштирилган ўсимликларнинг моҳиятини халқ оммасига тўғри ва илмий асосда тушунтириб бериш, улар ҳақидаги ҳамма диний уйдирмаларни фош қилишга алоҳида эътибор беришимиз зарур. Ҳаёт бетўхтов олға қараб бормоқда. У ўз аҳамиятини йўқотган барча эскиликларни улоқтириб ташлайди. Гўзал социалистик ҳаётимиз, коммунизм сари интилишда қўлга киритиб бораётган ҳар бир ютуғимиз, совет фани техникасининг зафарли ҳар бир қадами диний таассуб, хурофот ва бидъатларнинг нотўғрилигини ҳар дақиқа исботлаб бормоқда. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати, коммунистик мўл-кўлчиликни вужудга келтириш, халқимиз учун дунёда энг юксак турмуш даражасини таъминлаш йўлида тинмай ғамхўрлик қилиб келмоқда. Мамлакатимизда фан мисли кўрилмаган даражада тараққий этаётган, жаҳон осмонида совет космик кемалари парвоз қилиб юрган, атом қуввати тинчлик мақсадлари йўлида ишлатилаётган ҳозирги кунда халқ учун афюн бўлган диннинг беҳуда бир нарсаси эканлиги яққол аён бўлиб бормоқда.

Совет халқи ўзининг фидокорона меҳнати билан қураётган коммунизм инсониятнинг порлоқ истиқболи бўлиб, бу жамият ўз табиати билан атеистик жамиятдир. Коммунизм ҳар қандай эскилик ва диний сарқитлардан озод бўлган юксак коммунистик онглилик билан яшайдиган ва ҳаёт кечирадиган жамиятдир.

Коммунистик партия раҳбарлигида, янги ажойиб жамият қуришнинг улкан режаларини амалга ошираётган бир даврда йўқ худо ва авлиёлардан, «муқаддас», деб ҳисобланган барча зиёратгоҳ жойлардан, ўсимлик ва ҳайвонлардан хайр-эҳсон сўровчи, уларга сиғинувчи нодон кишиларга сафимизда ўрин бўлмаслиги лозим. Коммунистик жамият қурувчи совет ёшлари ҳар қандай диний эътиқодлардан халос бўлишлари керак. Шундай қилиб, жанговар илмий атеистик пропаганда соҳасидаги ишларимизни КПСС XXV съезди талаблари даражасига кўтармоқ учун бутун куч ва ғайратимизни, тажриба ва талантимизни тўла-тўқис сафарбар қилайлик.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
Ўсимликлар қандай «муқаддас»лаштирилган	9
Ўлкамизнинг «муқаддас»лаштирилган ўсимликлари	20

Шоназаров Р.

«Муқаддас»лаштирилган
ўсимликлар ва фан. Т.,
«Фан», 1977.

60 б.

Шоназаров Р. «Святыс»
растения и наука.

25

На узбекском языке

Рахим Шаназаров

«СВЯТЫЕ» РАСТЕНИЯ И НАУКА

*Ўзбекистон ССР ФА илмий-оммабоп китоблар таҳрир ҳайъати
томонидан нашрга тайёрланган*

Мухаррир *С. Раззоқова*
Техмуҳаррир *Ф. Туқшайдова*
Корректор *Г. Усмонхўжаева*

ИБ № 258

P08230. Теришга берилди 23/II-77 й. Босишга рухсат этилиш 3/III-77 й. Формат 84×108^{1/32}. Босмаҳона қоғози № 1. Босма л. 3,15. Қоғоз л. 0,937. Ҳисоб—нашриёт л. 2,8. Нашриёт № 216. Тиражи 5000. Баҳоси 11 т. Заказ 44.

ЎзССР „Фан“ нашриётининг босмаҳонаси: Тошкент, М. Горький проспекти, 79.
Нашриёт адреси: Тошкент, Гоголь кўчаси, 70.